

# Oila va jamiyat

№ 42 (1443)  
23-OKTABR  
2019-yil

Gazeta 1991-yil 1-sentabrdan chiqq boshlagan

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

@oilavajamiyatgazetasi\_bot

## MILLATNI — BILIMLI AYOLLAR TARBIYALAYDI



### ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕК ТИПИГА ДАВЛАТ ТИПИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

#### ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, мухтарам юртдошлар!

Азиз дўстлар!

Авваламбор, мана шу қувончли айёмда барчангизни азим пойтахтимизнинг марказида барпо этилган, куни кеча ишга туширилган мухташам ва улугвор кошонада хуш кайфиятда кўриб, кутлаб турганимдан гоятда бахтиёрман.

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни тарихий сана – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яққол намоён этадиган янги бино ва иморатлар бугун барча шаҳар ва вилоятларида кўплаб қад кўтармоқда.

Албатта, уларнинг орасида

“Tashkent City” ишбилармонлик маркази алоҳида ажралиб туради.

Гувоҳ бўлиб турганимиздек, “Tashkent City” маркази ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятни яққол мужассам этади.

Майдони 80 гектардан иборат ушбу марказни қуришдан асосий мақсад – замонавий, “ақлли шаҳар” барпо этиш, халқаро, хорижий ва маҳаллий банк-молия тузилмалари ва инвесторлар учун жонажон Ватанимиз, биринчи навбатда, гўзал пойтахтимиз жозибадорлигини оширишдан иборат.

Биз Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясини изчил амалга ошираётганимиздан халқимиз ва халқаро ҳамжамият яхши хабардор, албатта. “Tashkent City” марказини барпо этиш ғояси ҳам айнан ўша стратегия билан бир пайтда туғилган эди.

Ўзбекистон тажрибасида биринчи бўлган шундай катта миқёсдаги ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун кўп нарсани янгитдан ўрганишимиз, тинимсиз изланишга тўғри келди.

Қурилиш майдони 1 миллион 600 минг квадрат метрга тенг бўлган янги марказнинг 30 фоизини

уй-жойлар, 30 фоизини офислар учун бинолар, яна 30 фоизини савдо мажмуалари, 10 фоизини меҳмонхоналар фонди ташкил этади.

Барчангиз кўриб турибсиз, бугун бу ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Насиб этса, 2021 йилда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, ушбу марказ халқимизга ва пойтахтимиз меҳмонларига хизмат қилишни бошлайди.

Қисқача айтганда, “Tashkent City” маркази Ўзбекистонда қурилиш ва архитектура соҳасида тараққиётнинг янги даври бошлангани, бу соҳада биз кўп нарсага қодир эканимизни кўрсатади, десак, ани ҳақиқат бўлади.

(Давоми 2-3 бетларда)

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАННИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг очиқ ва конструктив сиёсати билан минтақамиздаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланиб бормоқда. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, молиявий институтлар, ишбилармон доиралар томонидан Ўзбекистонда қатор тадбирлар, анжуман ва учрашувлар ўтказилмоқда. Табиийки, келгусида бу жараёнлар янада кучаяди, Ўзбекистон яна кўплаб йирик халқаро саммитлар, форум ва симпозиумларга мезбонлик қилади.

Шу маънода, ушбу муҳташам мажмуа нафақат давлатимиз, балки халқаро аҳамиятга эга бўлган янги ғоя ва ташаббуслар туғилаётган, муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилинадиган масканга айланади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муаззам саройнинг бўнадорларига — моҳир меъмор ва лойиҳачиларга, ишчи-муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, барча иштирокчиларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Хурматли дўстлар!  
Мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққиёт даврининг, халқимиз бўнадорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлиши мана шу бекор мажмуада биринчи бўлиб она тилимизга — давлат тилига бағишланган тантанали маросимни ўтказаятигимиз бежиз эмас.

Бугун ушбу муҳташам мажмуада дастлабки азият меҳмонлар сифатида ташриф буюрган сиз, қадри юртдошларимизни, муҳтарам фахрийларимизни, она тилимизнинг жонкуяри бўлган зиёлиларимизни, депутат ва сенаторларимиз, фаол ёшларимизни, дипломатик корпус вакилларини чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлади.

Бу муаззам қоша барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин! Хуш келибсиз, азият дўстлар!  
Қадри ватандошлар!

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тисоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Кимда-ким ўзбек тилининг бор ла-тофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли қўшиқларига қулоқ тutsин.

Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар.

Ўтмишда ўлкамизни босиб олган турли ёвуз кучлар бизни аввало ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, дину диёнатимиздан жудо қилишга қайта-қайта уриндилар. Улар эл-юртимиз бошига қандай азоб-укубатлар, кулфат ва мусибатлар солгани тарихдан яхши маълум.

Аmmo жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай оғир синавларда ҳам ўз озодлиги ва истиқлоли учун мар-

## ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

дона курашди. Бу йўлда беҳисоб қурбонлар берди. Ҳар қандай зулм ва зўравонликларга қарамасдан, ўз она тили — миллий гурурини сақлаб қолди. Нафақат сақлаб қолди, балки уни ҳар томонлама ривожлантириб, бугунги авлодларга безавол етказиб берди.

Бу борада маънавий жасорат ва фидоийлик кўрсатган буюк арбобларимиз, адиб ва олимларимиз, улаомларимиз, улуг санъаткорларимизнинг хотирасини бугун ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Ушбу кутлуг айёмни байрам қилар эканмиз, аввало, 1989 йил 21 октябрь санасини — “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган кунни эслашимиз ўринлидир.

Юртимизда мустабид тузум ҳали ўз ҳукмини ўтказиб турган ғоят оғир шароитда халқимизнинг тақдирини ва келажоғини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

Қонун лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасига кўйилган эди. Унинг атрофида қандай қизгин баҳс ва тортишулар бўлиб ўтганини, ўйламанки, кўпчилик юртдошларимиз жуда яхши эслади. Шахсан мен ҳам ушунда бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.

Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида фидоий ва ватанпарвар зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг қатъий шижоати ҳамда Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий иродаси катта ўрин тутди.

Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуг мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди. Айна вақтда у Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари кўйилган биринчи дадил қадам эди.

Бу қонун халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги азму қарорининг ёрқин намоёни бўлди. Орадан икки йил ўтиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги айнан она тилимизда жаҳонга эълон қилинди.

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни — Конституциямизнинг ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада юксалтирди.

Юртимиз бўйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадҳияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш урдиради.

Ўзбек тили ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги юздан ортқ миллат ва элат вакилларини ўзаро боғлайдиган меҳр-оқибат тилига айланди.

Бундан беш аср муқаддам ҳазрат Алишер Навоий:

“Турк назмида чу мен  
тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни яққалам”,

деб ёзган эди. Яъни, ул зот она тили байроғини баланд кўтариб, бутун эл-улусни, юртларни шу байроқ остида бирлаштирдим, деб ифтихор қилган.

Барчамизга яхши аёнки, она тили — миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдеворидир. Улуг маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, **ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти — бу унинг миллий тили ва адабиётидир.**

Шу маънода дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб кўйган ҳар қайси давлат аввало ўз халқининг миллий тили ва маданиятини

асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади.

Мустиқиллик йилларида она тилимизни том маънода давлат тилига айлантириш йўлида катта чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда Ер юзиде 7 мингдан зиёд тил мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тилига давлат тили мақомини ҳуқуқий жиҳатдан муҳраб берган мазкур қонуннинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бу тарихий воқеадан сўнг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш ҳақида яна бир муҳим қонун қабул қилинди.

Хурматли ватандошлар!

Бугун жонажон Ўзбекистонимиз “**Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари**” деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Барча соҳалар билан бирга давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Давлатимиз томонидан маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жамланган, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, китобхона маданиятини ошириш бўйича қабул қилинган ўнлаб фармон ва қарорлар ўзбек тили раванқига бевосита хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда она тилимизда фаолият юритадиган юзлаб боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари, янги газета ва журналлар, теле-радио каналлар, нашриётлар, маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар ташкил этилаётганини қайд этиш лозим.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда фольклоршунослик, диалектология, туркология, матншунослик каби йўналишлар очилди.

Бу борада янги ўқув дастурлари яратилаётгани, дарслик ва қўлланмалар, рисола ва монографиялар нашр этилаётгани, илмий анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида ўзбек тилининг бугуни ва истиқболи ҳақида амалий тақлиф ва ташаббуслар билдирилаётгани ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, азим пойтахтимиз марказидаги Миллий бог худудида Адилбар хивбони бунёд қилинмоқда. Бу гўзал масканда барпо этилаётган ёдрорлик мажмуалари адабиётимизнинг буюк намоёндалари, ўзбек тилининг чинакам жонкуярилари хотирасига бағишлангани айниқса эътиборлидир.

Она тилимиз ва миллий адабиётимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодига етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларида ижод мактабларини ташкил этиди. Мухаммад Ризо Оғаҳий, Исҳоқжон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдул-

ла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида энг аввало ўзбек тили ва адабиётини, бадий ижод сирларини чуқур ўрганиш учун барча шароит яратилмоқда.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонимизни дунёга таранмуз этишда она тилимиз ҳам катта ҳисса қўймоқда.

Ўзбек тили Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университети ва 100 дан зиёд мактабда ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Шу борада мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида “Ўзбек тилининг дўстлари” клублари ташкил этилаётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги қувончимизга шерик бўлаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилирига, халқаро ташкилотлар вакилларига уларнинг юртларида ўзбек тилига қўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун ташаккур изҳор этаман. Айниқса, Ўзбекистондаги хизмат фаолияти давомида ўзбек тилини ўрганиб, фаол мулоқот қилаётган хорижий дипломатларга алоҳида миннатдорчилик билдиришмоқчиман.

Сизларга яхши маълум, яқинда Ўзбекистон Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Бу, ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақомини юксалтиришга хизмат қилади.

Кенгаш саммитида билдирган ташаббусларимиз, хусусан, қардош халқлар адабиётининг энг сара намуналари мужассам бўлган юз жылдлик “**Туркий адабиёт хазинаси**” китоблар туркумини аъзо давлатларнинг она тилларида нашр этиш тақлифимиз ижобий қабул қилинди.

Азият дўстлар!

Давлат тилини ривожлантиришга қаратишган ишларимизнинг мантқий давоми сифатида бугун мамлакатимизда яна бир муҳим қадам қўйдик. Мен бугун “**Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги фармонга имзо чекдим. Унга биноан “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда “**Ўзбек тили байрами кунини**” деб белгиланди.

Ўйламанки, ўзбек тили байрамининг мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг нишонланиши халқимизнинг миллий руҳи ва гурурини юксалтириш билан бирга, давлат тилини ҳаётимизда тўлақонли жорий этишга хизмат қилади. Ушбу фармонда она тилимиз-

(Давоми 3-бетда)

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИПИ МАҚОМИ БЕРИЛГАННИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

(Давоми. Боши 1-2 бетларда)

нинг келгуси тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида **Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма** ташкил этилганини ҳам сизларга маълум қилмоқчиман.

Бу тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада ҳаётимизга четдан кўплаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда.

Глоблалашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг лугат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Тўғриси айтиш керак, бу масалада ҳам оқсоқлимиз бор эди. Шу муносабат билан фармонда янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга соладиган Атамалар комиссиясини тузиш масаласини ҳам назарда тутдик.

**Она тилимиз – миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносива ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.**

Давлат тилига бўлган доимий эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимизда бундан буён ҳам изчил давом эттирилади. Қадри юртошлар!

Маълумки, Ватанимиз неча юз йиллар мобайнида буюк цивилизация ва маданият марказларидан бири бўлган. Қадимдан диёримизда халқимиз билан бирга турли миллат вакиллари елкадош, аҳил ва ҳамжихат бўлиб, тинч ва осойишта муҳитда яшаб келдилар.

Ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли эл бошқаларининг она тилига ҳам чуқур ҳурмат билан қарайди. Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати туфайли, ҳозирда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилмоқда. Тошкент шаҳри ва жой-

## ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

ларда фаолият кўрсатаётган 140 га яқин миллий маданий марказ айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият олиб бораётгани халқаро жамоатчилик томонидан ижобий ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда.

Доно халқимиз “Тил билган – эл билади” дейди. Бу борада буюк болаларимиз ибрат ва намуна кўрсатганлар. Хусусан, Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Фурқоний, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби улуг аждодларимиз ўнлаб тилларни пухта билганлари учун ҳам жаҳон илм-фанининг юксак чўққиларини забт этганлар.

Бугунги кунда юртимиздаги таълим масканларида инглиз, рус, немис, француз, испан, италян, араб, форс, турк, хитой, япон, корей, ҳинд ва урду тиллари чуқур ўқитилаётгани бу аънаналар давом этаётганининг ёрқин ифодасидир.

Биз ёшларимизнинг жаҳон тилларини эгаллашга бўлган улкан қизиқиш ва интилишларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

Мен бугун азиз болаларимизга мурожаат қилиб, улуг аллома, XX аср бошида олти тилли – ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида лугат тузган Исҳоқхон Ибратнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатмоқчиман: **“Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саяёҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўти қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”**.

Уйлайманки, бу сўзларга ортиқча изоҳнинг ҳождати йўқ.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари! Она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва мавқеини янада ошириш бўйича олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Аввало, бундан ўттиз йил муқаддам қабул қилинган “Давлат тили ҳақида”ги қонунни бугунги кун талаблари нуқтаи назардан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, такомиллаштириш зарурати сезилмоқда.

Яна бир муҳим вазифа фундамен-

тал тадқиқотлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа тармоқларда давлат тилини тўлақонли қўллаш билан боғлиқ.

Ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллатларга мансуб ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганишлари учун тегишли шароит яратиш, юртимизда ва хорижда ўзбек тилини ўргатадиган ўқув марказларини кўпайтириш зарур.

Шу мақсадда янги дарсликлар, қиёсий ва турли соҳаларга оид лугатлар, иш юритиш ва сўзлашув қўлланмалари нашр этиш, лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш, бу тизимга тўлиқ ўтиш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур. Бу ишлар учун молиявий ресурслар ва маблағларни асло аямаслигимиз керак.

Ўзининг бебаҳо асарлари билан она тилимизнинг қадрини ва қаддини тиклаган буюк мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукаммал энциклопедиясини яратиш ҳам олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Айни пайтда аҳоли, айниқса, ёшларимиз турли маълумотларни асосан интернет ва ижтимоий тармоқлардан олмақда. Бинобарин, она тилимизни жозибали ва қизиқарли тарзда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компьютер дастурларини, онлайн дарсликлар, электрон лугатларни яратиш керак. Интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, ўзбек тилини кенг тарғиб этиш бўйича ишларимизни кучайтиришимиз лозим.

Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан сингдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукаммал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида равон ўқийдиган, равон ёздадиган ва теран фикрлайдиган ин-

сонлар бўлиб етишсин.

Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган маззу – бу жой номларини белгилаш масаласи, десак, хато бўлмайди.

Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, биналар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга белсандлиқдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамаси Атамалар комиссияси билан бирга қўлаб ушбу масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибга солиши зарур.

Чунки ижтимоий объектларга ном бериш – бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий завимизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз халқимизнинг тақдири, эртанги кунни ҳақида ўйлар эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларимиз, бетақорр санъатимиз ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачигайда сақлашимиз зарур.

**Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим.**

Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак.

Мухтарам ватандошлар! Сизларни ва бутун халқимизни ўзбек тили байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклияман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга файзу барақа, бахту саодат тилаймман.

Ўзбек тили – она тилимизнинг нуфузи, обрў-эътибори янада зиёда бўлсин! Шундай бебаҳо бойлик соҳиби бўлган, уни ҳамиша асраб-авайлаб келаётган азиз халқимиз омон бўлсин! Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗА

**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча демократик талабларга мос келадиган замонавий сайлов тизими яратилди. Халқаро қоида ва тамойилларга ҳамоҳанг, ҳар бир фуқаронинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлаш имкониятига эга бўлган ҳуқуқий базанинг ташкил этилиши бугунги сайлов жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган бир қатор ўзгариш ҳамда қўшимчаларга асосланиб мамлакатимиз парламенти томонидан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича айрим қонун ҳужжатларига ҳам ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси-

## SAYLOV HUQUQI

нинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига “Сайловлар ва референдумларни ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” деган саккизта моддадан иборат бўлган янги боб киритилди. Ушбу кодексда сайлов қонунчилигининг бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қатъий белгилаб қўйилган. Бу очкилик ва ошқоралиқни мустаҳкамлашга, сайлов тизими янада демократлаштиришга, сайлов эркинлиги тамойилларини тўла-тўқис амалга оширишга хизмат қилади.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланганидек, сайлов комиссиялари ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга бўйсинмайди. Бинобарин, сайлов жараёни қонуний, адолатли ҳамда сайловнинг барча иштирокчиларига тенг ҳуқуқлилик асосида ташкил этиш учун сайлов комиссияси аъзолари мустақил ҳолда иш юритишлари, ҳар қандай таъйиқ

ва таҳдидлардан ҳимояланган бўлишлари шарт. Акс ҳолда, сайловларнинг демократик моҳияти ўз хусусиятини йўқотиши мумкин.

Депутатликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ёхуд ишончли вакил, кузатувчи ва сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини, сайловолди ташвиқоти ҳамда референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш каби ҳаракатлар маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Шунингдек, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод ёхуд сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлгон маълумотларни ташкил қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни содир этиш ҳам маъмурий жавобгарлик чораларини қўллашга олиб келади.

**Аскар МАМАРАЙМОВ,**  
Шеробод туманлараро иқтисодий судининг судьяси, Судьялар олий мактаби тингловчиси

# МУАММОЛАР ҲАМ ҲАМ, ҲАМ ҲАМ...

## БИРДАМЛИК ВА АҲИЛЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ.



Фаргона томонга йўлингиз тушса, албатта, Учкўприк туманидаги "Ғози-ғиждон" маҳалла фуқаролар йиғинига бир кириб ўтинг. Ҳар бир ўтаётган кунни ўзига хос байрам сифатида қарши оладиган меҳр-оқибатли инсонлар яшайди бу маҳаллада. Муаммолар-чи, сизларда камчиликлар ва хатолар учрамайдими, деб сўрасангиз, албатта, муаммолар етарли, фақат биз ҳамisha мавжуд муаммоларни бирдамлик ва аҳиллик билан енгамиз, деб жавоб беришди. Она Ватаннинг мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида ушбу маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Шохиди Рустамова "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Шохиди опанинг тажрибалари ва машаққатлар олдидаги ташвиш ва ўйларини билиш истагиди мазкур саҳифани тайёрлади.

## ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ХИСОБОТ УЧУН ЭМАС...

– Носоглом муҳит барча келиб чиқётган муаммоларнинг сабабчиси, – дейди Шохиди Рустамова. – Халқимиз "Қуш уясида кўрганни қилади", дея бежиз таъкидламайди. Аввало биз катталар ҳушёр бўлишимиз, атрофимиздаги ўзгаришлар олдида довдираб қолмаслигимиз керак. Оддийгина қўл телефони орқали фарзандларимиз дунёқараши лаҳзалар ичида ўзгариб кетяпти. Шу боис ҳар ҳафтанинг шанба кунда учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиб тураемиз. Баъзи бир инсонлар бу учрашувларни ҳисобот учун деб ўйлашади. Лекин ҳар бир тадбир ўша ердаги муаммолар асосида ташкил этилса, одамларнинг қизиқиши ва иштироки ўзгача бўлади. Сўнгги уч йил давомида 315га яқин учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Маҳалла аҳолиси ўртасида оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш бўйича "Оилада аёлнинг ўрни", "Оила муқаддас даргоҳ", "Қайнонам онам менинг", "Қўли гулдир ўзбек аёли", "Қиз боланинг касби унинг бахти", "Ибратли келинлар", "Оила қуришга тайёрийлик", "Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари",

"Энг намунали тадбиркор", "Соғ танда-соғлом ақл", "Балли ҳамшира" каби маънавий-маърифий тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида эрта турмуш қуриш, ажримлар, ёлғиз она кўрсаткичлари қайд этилмади. Демак, ҳамма гап ўзимизда, одамларни бугунги кун нафаси билан уйғота олишимиз, уларни қизиқтирган саволларга жавоб топа олишимиз керак.

## "ЎЗБЕГИМ ҚИЗЛАРИ" ТУФАЙЛИ КИТОБХОНЛАР КЎПАЙДИ

**Шаҳодат Корабоева, маҳалла фаоли:**

– Фарзандлар тарбиясида, айниқса, қизларни вояга етказишда миллий кадрятларимиз ва аъналаримизнинг ўрни жуда катта. Шу боис қиз бола тарбияси билан шуғулланаётган оналаримиз билан тез-тез суҳбатлашиб, уларнинг тақлифларига кўра тегишли мутахассисларни учрашувларга чақириб тураемиз. Бугунги кунда қизларимиз

шеърлари бўйича баҳри байт ҳам ўтказилади. Ушбу танлов ўтказила бошлагач, маҳалламиз кутубхонаси аввалгидан ҳам гавжумлашди. Бевоқиф оилаларнинг ўзида аънавий тарзда китобхонлик кечалари ўтказила бошлади. Ҳар сафар саҳнага миллий либослардаги қизларимиз кириб келишганида уларга фақат танловда эмас, бошқа пайтларда ҳам ироқи дўппи ва атлас кўйлақларда юринлар деб тайинлайман.

## СПОРТСЕВАР ЁШЛАРИМИЗ КЎПАЙСИН!

**Ўлбаҳор Юсупова, маҳалла фаоли:**



## Кейинги уч йил

давомида "Ғози-ғиждон" маҳалла фуқаролар йиғинида 45дан ортиқ иш ўрни яратилди. 60 дан ортиқ хотин-қизлар тикувчи сифатида иш бошлади. 20 нафар аёлга фаолиятини йўлга қўйиш учун банк кредитлари олишга кўмаклашилди. Бир қарашда бу ҳисоботлар осонгина амалга ошадигандек туюлади. Лекин бу рақамлар ортида масъул ходимнинг уйқусиз кечалари ва тиним билмаган кунлари бор.

ўртасида нотўғри маънавий тарбиянинг таъсирида кўнгилсиз ҳолатлар кўпаймоқда. Шу боис Шохиди Қаҳҳорованинг жонкуярлиги ва ташаббускорлиги туфайли тажрибали психологлар, фахрий ўқитувчилар ҳамда таниқли ижодкорлар иштирокида маҳалламиз кутубхонасида "Ўзбегим қизлари" танловини ўтказиб тураемиз. Ана шу танлов орқали қизларимизнинг оила қуришга қанчалик тайёр эканлигини синовдан ўтказамиз. Аввало уларнинг қанчалик яхши китобхон эканлигини билишга қизиқамиз. Чунки бизнинг маҳалламиздагиларнинг барчаси муталаага катта эътибор қаратишади. Танлов шартларидан бирида қизларимиз ўзлари ўқиган асарлар бўйича саҳна кўринишлари тайёрлашади. Шунингдек, ёд олган ғазал ва

лаштириш маркази қуриш ташвишида юрибдилар. Уйлаймизки, бизнинг бу орзуимиз ҳам амалга ошадиган кунлар келади. Маҳалламизда болалар майдончаси ҳам ташкил этилса яхши бўларди. Телевизорда спортсевар ёшларимиз барчамизнинг фахримизга айланаётганлигини кўриб турибмиз-ку.

Ёшларни нафақат жисмоний жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам оилага тайёрлаш жараёнига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тўйни қандай ўтказиш бўйича ўтказиладиган муҳокамаларимиз туфайли вақт ўтгани сайин самарали натижаларга эришяпмиз. Қудаларнинг ўзаро келишувлари сабабли бир қанча келишмовчиликлар бартараф қилинди.

Қолаверса, ҳомиладор аёллар ва ёш оналарнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам маҳалламизда эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Оилаларни ижтимоий ғимоя қилиш борасидаги саволларимизга қишлоқ врачлик пунктида ташкил этилган маслаҳатхонага бориб жавоб топишимиз мумкин.

Ҳомиладор аёллар билан олиб борилган тушунтириш ишларидан сўнг бир неча аёллардаги касалликлар ўз вақтида аниқланди. Шунингдек, буй етган қизлар саломатлиги бўйича оналар билан ҳамкорликда иш олиб бордик. Бугунги кунда тўй олдидан ўтказиладиган тиббий кўриқ қанчалар аҳамиятли эканлигини барча оилалар тушуниб етишмоқда. Ёшларни нафақат жисмоний жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам оилага тайёрлаш жараёнига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тўйни қандай ўтказиш бўйича ўтказиладиган муҳокамаларимиз туфайли вақт ўтгани сайин самарали натижаларга эришяпмиз. Қудаларнинг ўзаро келишувлари сабабли бир қанча келишмовчиликлар бартараф қилинди. Куёвларимиз келин томон жўнатадиган сарполар ва мебелларни қайтариб юборишмоқда. Улардаги ор-номус, гурур уйғонаётганини кўриб бирам хурсанд бўламан. Демак, ўтказиладиган суҳбатлар ва хонадон-ма-хонадон иш олиб бораётганимиз ўз натижасини беряпти.

## ИШИМНИ ТОПГАНИМДАН ХУРСАНДМАН!

**Мунира Холмирзаева, Учкўприк тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси:**

– Шохиди Рустамова хотин-қизларни ўйлантираётган масалалар ва муаммолари бўйича жонкуярлик билан иш олиб боради. Уларнинг ечимини топиш бўйича кўрсатган ташаббуслари ва ўринли маслаҳатлари билан барчага ўрнатилган бўлиб келмоқда. Кейинги уч йил давомида "Ғози-ғиждон" маҳалла фуқаролар йиғинида 45 дан ортиқ иш ўрни яратилди. 60 дан ортиқ хотин-қизлар тикувчи сифатида бошлади. 20 нафар аёлга иш фаолиятини йўлга қўйиш учун банк кредитлари олишга кўмаклашилди. Бир қарашда бу ҳисоботлар осонгина амалга ошадигандек туюлади. Лекин бу рақамлар ортида масъул ходимнинг уйқусиз кечалари ва тиним билмаган кунлари бор. Ва мана шу жонсарақлиги ва фидойилиги учун Шохиди опани барча маҳалладошлари ҳурмат қилади. Айниқса, иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Ҳеч қаерда ўқимаган, ҳунари ҳам йўқ хотин-қизлар билан алоҳида суҳбатлашиб, уларнинг шунчаки ишли бўлиши учун эмас, балки иқтидори ва қизиқишига қараб ўз ишини топишлари учун имкони бори-ча ҳаракат қилади. Шу боис маҳалла аҳли янги лойиҳалар ва ташаббуслар атрофида аҳиллик билан иш олиб боришади. Ана шундай маҳаллаларимиз янада кўпайсин!

З. МЕЛИБОЕВА

oilavajamiyat@mail.ru

# “ОТ МИНИВ ҚО‘У ВОҚАҲОТГАНЛАР”

Очиғи, сариқ матбуот доирасидаги нашрларнинг муҳлислари ўзининг маиший муаммоларини ёзиб маслаҳат сўраб туриши бугун пайдо бўлган нарса эмас. Шунингдек, интернет тармоғидаги маслаҳат сўрашлар, телевидениедаги шу йўналишдаги телекўрсатувлар ҳам деярли сийқаси чиқиб, кўникиб қолинган ҳоллардан ҳисобланади. Бундай вазиятда маслаҳат берувчилар ҳақиқатда руҳшунос ёки шунга яқин ваколатга эга эксперт, ҳеч бўлмаса савиялироқ


yoхud, siz kimlarni tanlayabsiz?



қайрамоққа эди! Ахир муаммонинг туб моҳиятини яхши англашга улгурмасдан “Эрингиз эркакми ўзи, нега ўз номидаги уйнинг сотилишига йўл қўйиб беради!”, ёки “Кўриниб турибди, аввал бошидан қайнонанингга бўш кетибсиз...” қабилида бошланувчи “маслаҳат” лари қандай баҳолаш мумкин?

## Хулоса ўрнида

Ғафимни муҳтасар қилишдан олдин бир кўҳна шарқ ривоятини келтириб ўтиш ўрибли деб билдим. Ўша ривоятда одамлар чўпон



бирор одам бўлганида, шахсан менинг эътирозим йўқ эди. Аммо, афсуски, бугунги кунда айрим моҳирлар вазиятларни ечиш учун фикр билдираётган экспертларимизнинг, аксар пайтларда эса маърифий дастурлар ҳайъат аъзоларининг савия даражаси кишини бироз ўйга солади...

## “Мен алдарман, кўнглинг алдамайди”

Яқинда ҳафталик нашрлардан бирида маслаҳат сўраб ёзилган худди шундай мактубга кўзим тушди. Хатда кўтарилган масала нотаниш эмас. Қисқаси, муаллиф — ўсмир ёшдаги қиз бир йигит билан қаттиқ севишаркан. Бироқ йигитнинг оиласини қизнинг оиласидагилар хушлашмабди-ю, қизни бошқага унаштиришбди. Энди қандай йўл тутишини билмай хат муаллифининг боши қотмоқда...

Бир қарашда кинофильмлардаги кўп “чайналган” сюжетни эслатади-я? Тўғриси айтиб қўяқолай: аввало мактубда битилган гапларнинг мавжуд муаллиф томонидан ёзилганига шубҳа қилдим, яъни ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилиш учун хатни газетачиларнинг ўзлари тўқиб ёзмадимикан, деган гумонга бордим. Шу билан бирга агар гумоним нотўғри чиқиб, мактуб ҳаққоний бўлса, умрининг нозик пиллапоёсида турган қизгинага қийин бўлгани, қолаверса, бир эмас, бир неча оиланинг тинчлигига путур етиши кутилаётгани ҳақидаги хаёллар ҳам мени ташвишга солиб қўйди... Аммо журналист (ким билсин, балки у журналист ҳам эмасдир),

яъни нашрнинг ўша саҳифаси муаллифи афтидан бундай ташвишли йўлардан йироқ эди. Унинг мактуб муаллифига маслаҳат ўрнида айтган жимжимдор гаплари соғлом фикрли ҳар қандай кишини ўсал қилади: “Кўзларингизни бир зумга юмингу, кўнглингизга кулоқ солиб кўринг. Кўнглингиз сизни ҳеч қачон алдамайди!..”

## Эътироф топмаган рекорд натижа

Шу ўринда янги йил арафасида телеэкран орқали кўпчилик кўрган, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда танқидга ҳам учраган ўша “Индиго” телекўрсатувини яна бир бор эслатишни лозим топдим. Ёдингизда бўлса айнан янги — 2018 йил арафасида интеллект тўғрисида тўғри бўлган болаларни аниқлайдиган бу кўрсатувнинг финал босқичи бўлиб ўтди. Финалда Навоий вилоятидан бир бола иштирок этди. У ҳамманинг кўз ўнгига ҳеч қандай технология ёрдамисиз 2 ва 3 хонали сонни 5 хонага, 5-6 хонали сонни 2-3 хонали сонларга кўпайтирди. Сўнг 7-8 хонали сонларни ҳам хотира кучига таяниб, тез ва осон кўпайтириб бера бошладики, хонанда Сардор Раҳимхон бошчилигида телекўрсатувга ҳакамлик қилаётган уч нафар шоу бизнес вакиллари билан иборат ҳакамлар калькулятор ёрдамида ҳам бола билан тенг мисол ечишга улгура олмади. Кейинчалик маълум бўлишича, бола аслида айни шу паллада жаҳон рекордини норасмий равишда янгилашга эришиб бўлган экан! Ниҳоят ғайри табиий қобилият эгаси бу даражага қониқмасдан 9

“**Ачинарлиси, телекўрсатувнинг “тўғри танланган” ҳакамлари жаҳон рекордини норасмий равишда янгиланган, мукаммал ахборот технологиясини ортда қолдирган ғайри табиий эҳли болакайнинг ўрнига, раққос болакайнинг интеллектини юқорироқ деб эътироф этишди...**”

хонали сонни 1 хонали сонга кўпайтириб кўрсатиши учун ҳакамлардан руҳсат сўради. Ҳалигача бола ўз онига таяниб бажараётган арифметик амалларнинг тўғри-нотўғрилигини калькулятор билан аниқлаб келаётган ҳакамлар эса энди кўпайтириб билан аниқлаб келаётган ҳакамлар эса энди бироз мушкул вазиятга тушиб қолишди. Чунки афсуски, 9 хонали сонларни калькулятор ёрдамида кўпайтиришнинг имкони йўқ экан...

Ачинарлиси, телекўрсатувнинг “тўғри танланган” ҳакамлари жаҳон рекордини норасмий равишда янгиланган, мукаммал ахборот технологиясини ортда қолдирган ғайри табиий эҳли болакайнинг ўрнига, раққос болакайнинг интеллектини юқорироқ деб эътироф этишди...

## “Эрингиз

### эркакми ўзи!”

Асл мақсади билимлар кутубхонасини яратиш бўлган интернет тармоғи кашф этилганидан бери баракка топкур кўпгина бекорчиларни ҳам эрикишдан сақлаб келаётгани сир эмас.

Майли, мавзудан узоқлашмаган ҳолда ўзим аъзо бўлган ижтимоий тармоқдаги гуруҳда ўзгалардан маслаҳат сўраган келинчак воқеасини баён қилиш билан чеклана қолай.

Ўша келиннинг мурожаатида айтилишича, эри билан оила қурганларига тўрт ой бўлибди. Қайнонаси уни тўй-ҳашамларга олиб бормас, қизлари билан бирга кетса ҳам келин индамай чидаб келмоқда эмиш. Аммо расман ёш оиланинг номида бўлган ҳовлини сотиш, оила аъзолари эса домга кўчиши ҳақида гап чиқиб қолибди-ю, келинимиз мана бунга тоқат қила олмабди. “Энди мен қандай йўл тутай?” дейиларди ўша мурожаат якунида.

Кўриб турганингиздек, укувисизлик ила ёзилган мурожаатдан вазиятни тўлиқроқ англашнинг асло имкони йўқ. Хатни ўқиб сиз каби менда ҳам “Ҳовлининг сотилишини айнан ким истаяпти?”, “Нега тўсатдан истаб қолди?”, “Қайнона билан қайнота кейин қаерда яшашмоқчи?” сингари ўнлаб саволлар туғилди. Бироқ негадир мурожаат юзасидан фикр билдираётганларни бундай савол сира қизиқтирмас, деярли ҳамма ўзини келинчакка ҳамдард санаб, келинни, таъбир жоиз эса эри ва қайнонасига қарши

йигитдан: “Сени қози қилиб сайласак нима қиласан?” деб сўраганида, йигит: “От миниб қўй боқаман!” деб жавоб беради. Бу ерда кимнинг устидан кулишни билмайсан: ҳаётни қўй боқшдан иборат деб биландиган фикри тор чўпоннингми, ёки бундай чўпонни ўзларига қози қилишга уринган нодон одамларнингми?!

Шу боис мен маърифий ва моҳирлар вазиятларни ҳал этадиган теледастурлар ижодкорларидан илтимос қилардим: дастурингизга таклиф қилаётган эксперт ва ҳайъат аъзоларининг савияси ҳамда касбий вазифасига эътиборли бўлсангиз!

Сариқ матбуот доирасидаги нашрлардан илтимос қилардим: сизнинг қарнайчида битта “пуф” дегандай ҳар хил вазиятлар юзасидан ўйламай-нетмай билдираётган бемулоҳаза мулоҳазаларингизни деб кимнингдир, аниқроғи, кимларнингдир ҳаёти остин-устун бўлиб кетмасин!

Яна интернет тармоғида дардини дастурхон қилаётганларга ҳам айтар гафим бор: ҳар бир маданиятли инсон учун муқаддас саналмиш шахсий ҳаётингизни кимлиги ва асл мақсади, энг ачинарлиси, хулқи номаълум бўлган аллақимларга эрмак қилдириб қўясиз-ю, ён-верингиздаги ҳаёт тажрибасига эга ишончли одамлар билан фикрлашишга нега ор қиласиз?! Аҳамият бериб қаралганда, бу билан сиз ўзингиз ва оилангизни ҳақорат қилдириб қўймайсизми?..

Байрам АЛИ

**А**втобус. Кеч тушган палла. Йўловчиларнинг аксарияти хорғин кайфиятда. Автоулов бекатларда тўхтаб бир маромда манзилга яқинлашмоқда. Хайдовчи радио қулогини буради, сокин куй янграй бошлади. Хонанда Улуғбек Раҳматуллаев ёш боланинг тўйхонада туртиниб-суртиниб, оёқ остида ўралашиб одамлардан отасига ичирмасликни илтимос қилгани ҳақида сўзлаб энгил тин олди ва куйлай бошлади. Кўшиқ ичкиликка берилган отаси туфайли мурғак қалби, жисми-жони азода қолган болакай тилидан эди. Нақоратда "Дадамга ичирманг одамлар, илтимос, дадамга ичирманг одамлар..." сўзлари айланарди. Бекатга етиб келдим ҳам кўшиқ тугади, автобусдан тушиб қолдим. Маҳалла бошидаги дўконча ёнида бир йигит йўл чеккасида маст аҳволда ерда думалаб ётарди...

## РЎШНОЛИК КЎРМАЙ ЎТАЁТГАН АЁЛ

Кўпчилик аҳамият бермай, назари тушганлар эса гўё махлуқни кўргандек ижирганиб ўтиб кетяпти. Лекин мен уни қаердадир кўргандекман. Ҳа эсладим, боғчада. Бир аёл "Кафеда мойкада ишламан. Бу ой маошим сал кеч қолди-да, опа. Икки-уч кунда тўлаймиз. Хўжайним ҳам шу хойга ишга кирди. Кейинги гал боғча пулини, албатта, вақтида тўлаймиз" дея илтимос қилаётганида, айнан шу эркак унинг ёнида эди. Эҳ, шу эркакни деб, ҳаётда рўшнолик кўрмай ўтаётган аёлу сархушликда соврилган умр... Бир маротаба бериладиган ҳаётни қанчалик мазмунли ва ҳавас қилса арзигулик яшаш, аввало, ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Аммо орамизда ҳаёт мазмунини, гўзаллигини фақатгина сархушликда ҳис этадиганлар йўқ эмас. Энг ёмони, шундайларнинг қилмишлари уларнинг яқинларига азоб-укубат, дард-алам бўлиб қайтиши, ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қийнашида. Худди юқоридаги кўшиқда одамлар оёғи остида қолса-да, йўл олис ичган отасини кўтариб, суюб кетишга кучи, мадори етмаслиги, ичган ота қўлида онасининг аёвсиз калтаклашдан бутун борлиги билан куйиб, ожизлигидан афсус чекиб: "Дадамга ичирманг, одамлар..." деяётган гўдакдек.

## ШИША ИЧИДАГИ ШАЙТОН

Ичкилик ҳеч бир оилани, хонадонни обод қилган

# ILTIMOS, OTAMGA ICHIRMANG...

yoxud  
shamolga  
sovrilgan umr

эмас. Аммо қанча-қанча одамларнинг ҳаётини изидан чиқариб, орзуларини, мақсад-муддаоларини барбод қилгани ҳақида ҳаётий мисоллар кўп.

Бир оилани биламан. Ҳозир жуда аянчли аҳволда. Сабаби вақтида топиш-тутиши яхши бўлган оила боши кўпчилики "шиша ичидаги шайтон" дея таъриф берган ароққа ружу кўйди. Ичмаган кунни йўқ. Аёли, ўғил-қизи аллақачон ичувчи эр, отадан юрак олдириб бўлган. Уйда ҳаловат, рўзғорда барака йўқ. Бир пайтлар яхши ниятлар билан солинган иморатнинг икки-та хонаси қумшувоқ қилинган, холос. Ҳар кунни бўлмаганда бир-икки маротаба бўладиган бақир-чақир, коса-товоқнинг синиши каби нохуш вазиятлардан кўни-кўшнилар ҳам безор бўлган. Кўшниларику майли, танаси бошқа дард билмас дейишди. Аммо эри қўлига нима тушса мастликда калтаклаганидан эшикни қулфлаб кун кечираётган аёл-



Уни "Отаси ичади, онаси ташлаб кетган..." деган сўзлар ҳар қадамида таъқиб қилса-да: "Дадамга ўрганиб қолганман, дадамни жудаям яхши кўраман", дейишдан уялмайди. Аммо ўйчан нигоҳлари қалб оғриқларидан сўзлайди. Худди юқоридаги кўшиқ сўзларидек: "Дадамга ичирманг одамлар..."

нинг айби нима? Ёки бўлмаса, кишининг қировли кундами, кундузми, туннинг ярмидами ҳовлининг ўртасида ё унинг бурчагида соатлаб оғзига келганини қайтармайдиган маст отанинг гўёки тергашини эшитаётган болаларнинг гуноҳи-чи? Кўшнилardan бири эндигина 10-12 ёшдаги болаларнинг ўзаро "Яшагим келмапти. Отамиз қачон ўлиб қолар экан-а?..." дея ҳасратлашаётганини эшитиб қолибди. Бу болаларда отанинг боридан йўғи яхши деган фикр шаклланишига отанинг ўзи сабабчи эмасми?.. Ахир улар ҳам бахтли оиланинг бахтиёр фарзанди бўлиши мумкин эди-ку?! Айтинг-чи, қайси бола отасини суюб эркаланиб, қучишини хоҳламайди? Суячқ, қалқон билиб, "Дадамга айтиб кўрай, дадам билан маслаҳатлашаман, дадам билади" ёки бўлмаса, оғзини тўлдириб "Дадам олиб беради" дейишни истамайди, дейсиз?! Ичувчи эридан еган калтакларидан нафақат жисму жони, балки қалби минг бир оғриқда кунни тунга, тунни кунга улаётган аёл қисматиға қандай таъриф бериш керак? Унинг ҳаётига нур олиб кириш мумкинми? Бечора аёл кўзи қувончи икки норасидани ўз отасига нафрат билан улғайсин, деган мақсадда дунёга келтирганмиди? Бу оилада ичкилик ортида-

ги қурбонликларнинг охири йўқдек...

## ОТАСИ ИЧАДИ, ОНАСИ ТАШЛАБ КЕТГАН

Кейинги вақтда оммавий ахборот воситаларида инсон ҳаёти учун зарарли бўлган одатларнинг таъсири, уларнинг аянчли оқибатлари ҳақида қатор ибратли дастурлар берилляпти, таҳлилий мақолалар чоп этиляпти. Масалан, "Зирапча" телелойиҳасининг бир қахрамони тақдири ҳақида икки оғиз сўз. Отаси қамалиб, онаси ташлаб кетган. Бувиси, амакилари, янгалар кейинчалик ота қамокдан чиққач унинг қўлида 22 ёшга тўлган қиз. У отасининг "шишадор дўст"лариға ҳам аяб муомала қилади. Уни "Отаси ичади, онаси ташлаб кетган..." деган сўзлар ҳар қадамида таъқиб қилса-да "Дадамга ўрганиб қолганман, дадамни жудаям яхши кўраман" дейишдан уялмайди. Аммо ўйчан нигоҳлари қалб оғриқларидан сўзлайди. Худди юқоридаги кўшиқ сўзларидек: "Дадамга ичирманг одамлар..."

## ДУНЁДАН ЭРТА КЕТГАН ОТАЛАР...

Ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлаётган оилавий келишмовчиликлар, ажримлар, хатто ўз жонига қасд қилган, калтакланган аёлларнинг аччиқ қисмат

битигининг бир учи ичкилик таъсирида зўравонлик қилган эркакларга бориб тақалаётгани сир эмас. Шу ўринда яна бир ачинарли ҳол. Ичкилик сабаб, бу дунёдан эрта кетган оталар. Норасидасини бағрига босганича ёлғиз чирқираб қолган аёллар. Бундай ҳаёт йўлининг азоб-укубатлари, синовлари қанчалик мушкуллигини фақатгина бошига тушганлар билади. Шоир ёзганидек: "Еганин ош деманг ёлғиз аёлнинг, шайтон товоғига қўлин солади..." Аммо ҳаётда фарзандининг отасиз улғайиши, айрим вазиятларда яқинларини "қайтиб келибди, ажрашибди" деган таъна-дашномларга учрашишини истамагани учун ичувчи эр билан яшаётган аёллар ҳам бор.

## ИЧКИЛИККА БОШ- ЛОВЧИ САБАБЛАР НИМАДА?

Энг биринчи галда иродасизлик. Кейин дангасалик ва ялқовлик. Ароқ ичиш учун ҳамisha сабаб топилади. Ўзининг боши берк кўчага кириб қолганини, омадсизлигини, бахтсизлигини вақ қилиб ичиш уни баттар боши берк кўчага кирибди қўймайдими? Бу вақларнинг бариси биргина иродасизлик ортида қолиб кетишини минг афсуски, кўпчилик тан олгиси келмайди.

Зиёли оиланинг бир ўғли роса ичишга берилди. Олий маълумотли йигит. Оилали, фарзанди бор. Ёши 40 ни қоралаган йигитнинг ҳалигача тайинли иши йўқ. Чунки ўзи бироз ношуд. Энг ёмони, камчиликларини тан олиш ўрнига, уларга "омадиз чопмади", "омадсизман" дея изох беради. Унинг миёсига "Ичсам кўзимга ҳаммаси бошқача кўринади, барини нунутаман" деган жуда жўн фикр ўрнашиб олгани боис, тинимсиз ичади. Унинг учун бирор ишнинг бошини тутти, оиласига бош бўлиш, рўзгорини бутлаш ва фарзандларига лоақал бир оғиз ширин сўз айтишдан кўра, у ким бўлишидан қатъий назар "қадахдор" дўст, уфат афзал. Мана сизга иродасизликнинг оддий кўриниши.

## ЧУМОЛИДАН САБОҚ ОЛАЙЛИК

Чумолининг меҳнат-кашлигига тан берамиз. Уларнинг ўзидан анча катта дон-дунни минг машаққат билан ортмоқлаб кетиши ҳайратимизни ошириши ҳам бор гап. Ҳаёт синовларда ўзини аллақайси жўн фикрлар билан оқлаб, айнан ичкиликка ружу қўйганлар чумолидан сабр-бардор, ирода борасида сабоқ олгани дурустмики?!

Ичкилик. Бу мавзу кўшиққа ҳам шеър бўлди. Аёлнинг умидлари сўниб, қўзида бахтдан бир нишона йўқ. "Дадамга ичирманг" дея мурғакликдан қартайган бола. Тўтурусиз ҳаёт. Бу борада ҳаётий мисоллар жуда кўп, минг афсус. Шундай вазиятларда, кўзи кўриб турса-да, баъзиларга қарата "кўзингни оч" дегинг келавераркан. Аммо...

Гулноза ТУРГУНБОЕВА,  
журналист.

**2017 йилда "ZO'R" телеканалда намоиш этилган  
"Севги изтироби" турк сериали томошабинлар томо-  
нидан танкидий мулоҳазаларга учрагач,  
2018 йилнинг февраль ойида эфирдан  
олиб ташланди.**

**EFIRDAN OLIB TASHLANGI!**

**"SERIALINGIZNI**

Жорий йил июнь ойи ўрталарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Комилжон Алламжонов аҳолидан телеканалларда намоиш этилаётган турк сериалларига нисбатан эътирозлар 5 қарра кўлаёгани ҳақидаги фикрларни билдирган эди.

Ана шундай эътирозлардан сўнг юртимиздаги энг юқори рейтингларда турадиган хусусий телеканалларда турк сериаллари ўрнига ўзбек миллий сериаллари намоиш этила бошланди.

**ЭРКАКЛАРИ АЁЛСОТАР, АЁЛЛАРИ ЕНГИЛТАК**

Масалан, "Sevimli"да "Бокира", "Milliy"да "Ожиза", "Тухмат гирдоб", "Zo'r" телеканалда "Бегуноҳ", "Mening yurtim"да "Изтироб" ҳамда "Журналист" каби миллий сериаллар намоиши ўрин эгаллади. Табиийки, ушбу сериалларни халқимиз қизиқиш билан томоша қила бошлади. Аммо кўп ўтмай ижтимоий тармоқлардан ўзбек миллий сериалларининг жуда ҳам саёз ишлангани ҳақидаги одамларнинг қаттиқ танқид ва эътирозларига сабаб бўлган баҳс-мунозарали мақолалар ўрин олди. Мисол тариқасида "O'zbek teatrlari" телеграмм гуруҳида юртдошларимиздан бири шундай фикр билдирган.

"Журналист" сериали эфирдан олинишини талаб қиламан. Аслида интернетда бирорта тузук постери йўқлиги учун оқ таққиласа бўларди-ю, жиддийроқ сабаблар чиқиб қолди.

Бу сериални кўрсанг, журналистика оламида бирорта тўғри одам йўқ деб ўйлайсан. Энг яхши қаҳрамон – икки марта эрга теккан. Эркаклар ё мафия, ё аёлсотар, аёллари ё енгилтак, ё фитначи. Ҳаммаёқ эр талашиш, мансаб талашиш, бандитизм бўлиб ётибди. Бир сериасида кетма-кет уч кишини ўйнашлари "жоним, тезроқ келинг" деб чақирди-я!

Бу сериал халқимизнинг маънавий қиёфасига зарар келтириш билан бирга, журналистларнинг ҳаётини оғирлаштирмақда. Журналистларнинг турмуш ўртолқлари: "Э-хе, ишончаларинг бу аҳвол бўлиб ётибдими ҳали?" деб босим ўтказмоқда. Эркак журналистлар ухлашга қўрқиб қолган – телефони тинтув қилинади, айтишларича, хотинлари ҳатто жосу ёллашгача бормоқда. Нега менга ундай қараясизлар? Мен ўзимни назарда тутмаяпман, менда ҳаммаси яхши!...

oilavajamiat@mail.ru



**МУАЛЛИФЛАР ЁЗУВЧИЛАР ЭМАС, "КИМЛАР" ДИР.**

"Facebook" тармоғидан олинган мулоҳазалар:

**Барно Султонова**  
Эрталаб ТВда кино берапти. Бир парчасига кўзим тушиб қолди.

Тўйи бўлмоқчи бўлган, ҳатто узук тақилган қиз йигити билан тортишиб қолди.

Қиз: – Мараз, ит, – деди йигитга. Йигит ундан кечиб кетишини кутганим. Аммо итлиги рост экан ўзи қизининг орқасидан қолмади. Кинонинг қолганини кўрмадим. Бизнинг ҳам ўртамазида жанжаллар, баҳслар, тортишувлар бўлиб туради. Лекин 25 йиллик турмуш давомида бирор марта бир-биримизнинг шахсиятимизга, нафсониятимизга, шаънимизга тегадиган ҳақорат гаплар ишлатмадик. На мен, на у киши ўртадаги пардани кўтариш учун биринчи қадамни ташлашга журъат қилолмадик.

Хулосам шу бўлдики: Кино яратувчилар – сценарист, режиссёр, актёрлар учун ҳали турмушга чиқмаган қизнинг йигитига "мараз, ит" дейишини кинога олиб чиқяптими демак улар учун оилада, опа-сингил, ака-ука, эр-хотин бир-бирига мараз, ит дейиши табиий ҳол. Ҳар ҳолда менинг олашимда бундай кадр-рпоб сюжетлар йўқлиги учун шундай хулосага келдим.

**Гулчехра Мансурова:** Бизларнинг киноларимиз фақат халқимизни ерга уриш билан банд. Ундан кўра маъданиятни ўргатадиган кинолар ишлашганда ёшларимизга сабоқ бўлармиди?...

**Лейла Ўзбекхан:** Ҳозир сценарий муаллифлари, ёзувчилар эмас, "кимлардир". Фильм моҳиятини шундан англаб олаверинг.

**Ойжамол Суллаймонова:** Баян бир одамлар ҳозир кино олиш учун жуда кўп маблағ сарф қилинади, дейишлари мумкин. Ахир "Суюнчи", "Маҳаллада дув-дув гап", "Келинлар кўзгалони" дек фильмларни суратга олиш учун маблағ эмас иқтидорли санъаткор зарур бўлган-ку. Демак, ҳамма гап режиссёрларда.

**"БОКИРА", "ОЖИЗА", "ИЗТИРОБ"... КЎРИШ ШАРТ ЭМАС!**

"Бокира", "Ожиза", "Изтироб"... Бу фильмлар фақатгина одамларнинг вақтини ўғирлайди. Буларни нима демоқчи эканини фильмнинг номидан билиб олса ҳам бўлади, кўриш шарт эмас. Боиси шуки, юқорида номлари айтиб ўтилган фильмлар ота-оналар фарзандлари билан бир дастурхон атрофида овқатланиб ўтирадиган вақтда яъни, кечки соат 19 дан бошланади. Аммо уларнинг бирортасини миллий сериал деб бўлмайди. Уларда илгари сурилган гоёлар асосан сеvgи ва хиёнат, гиёҳвандлик, пичоқбозлик, йиғи-сиғи. Сериаллар сценарийсини битта одам ёзгандек, барчасини гоёси бир-бирига ўхшаш. Масалан, биттасида хиёнатга учраган аёл уйда йиғлаб нола қилса, иккинчисида кўчада йиғлаётган бўлади. Ҳаммасидан ҳам одамни жиғибайрон қиладиган томони, ушбу сериалларда икки нафар йигит, учинчи бир йигитни орқасидан бориб, унга пичоқ тирайди. Бу воқеалар куппа-кундуз куни пойтахтимизнинг одамлар гавжум кўчаларида содир бўлади. Қачондан буён йигитларимиз ҳамманинг ёнида бир-бирини пичоқлайдиган бўлди? Бунисини ҳам қўйиб туринг, ушбу фильмлардаги яна

бир лавҳада икки-та гиёҳванд йигит чала битган иморат ичида гиёҳванд модда истеъмол қиладиган вақтда қора машинада бир йигит келиб, ўша уйга бензин сепиб ёқиб юборади. Эшик-дерзаси йўқ, томи битмаган уйдан икки нафар барзангидай йигитлар гўёки қочиб чиқолмай, ҳалок бўлишади...

**БЕМОР АЁЛ МАКИЯЖДА**

Аслида мақолани таъсир кучини ошириш, таҳлилни янаям очиб бериш учун режиссёрлардан ҳам фикр сўраш жоиз эди. Аммо бунга истамадим. Боиси "Нега яхши фильмлар ишланмайди", деган саволга режиссёрлар: "Бизда яхши сценарийнинг ўзи йўқ", деган фикрни айтишади. Шу сабаб ўзлари йўл-йўлакка ҳаёлига келган фикрларни кинога айлантиришади. Шунинг учун фильмларнинг аксарияти бир хил. Она образини яратган аёл билан фарзандининг ёши тенг. Она хиёнат туфайли касал бўлиб тўшака михланиб ётади, томошабин унинг юзидан азият чеккан аёл қиёфасини излайди. Аммо тўшақда ётган бемор аёлнинг юз-кўзлари худди тўйга кетаётгандек макиyaj қилинган, эгнида чиройли либос ва буларнинг барчаси ёлгон кино эканини сезиб турасиз.

**МАНА СИЗГА СЦЕНАРИЙ**

Аслида сценарий ёзиш учун ҳаётни ўрганиш қийин эмас. Бизда яхши сценарий йўқ, дея баҳона қилувчи кино яратувчиларга барчамиз кузатган ва кино яратишга айнан лойиқ воқеаларни эслатиб ўтмоқчиман. Деновлик қиз ўз фарзандини ҳожатхонада туғиб, ўша ерга ташлаб кетди. Бу воқеадан ижтимоий тармоқдан фойдаланувчи барча мухлислар, ҳатто Хотин-қизлар кўмитаси ҳам хабардор. Шофирконлик Шукрона исмли қизалоқ ўз отаси ва ўғай онасининг зуравонликлари сабаб мактаб интернетига топширилди. Қалтак зарбидан бутун аъзои бадани кўкарганини кўрган кўшнилари, маҳалла-қўй қизчага ёрдам бериш ўрнига унинг отасининг шаънини ўйлашди. Бу отанинг ўз фарзандини ўрлашга сабаб бўлган оқибатлар ўрганилиб, кино ишлашга арзимайдими? Ёки клиник ўлим ҳолатида шифохонага олиб келинган 2 ёшли болакай Умаржон Нуриллаевни 41 ёшли шифокор Сергей Владимирович Тобиас кутқариб қолди. Мазкур жараёнда қаҳрамонлик кўрсатган Сергей Владимирович Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Соғлиқни сақлаш аълочилиги" кўкрак нишонини билан тақдирланди. Сурхондарёнинг Қизирик туманида яшовчи Дуллоноза исмли аёл 3 яшар қизининг юрак порогини операция қилдириш ниятида пойтахтдаги шифохонага олиб келади. Нотўғри операция туфайли боласини ноғирон ва чалажон аҳволда уйига қайтариб олиб кетишга мажбур бўлади. Улганнинг устига тепган деганларидек, фарзандининг ҳаёти қил устида турган аёлга турмуш ўртоғи ажралишни тақдир қиладди. Туркияда яшаб умри фожеали ўлим билан якун топган Нодира Қодированинг ўлими сабабларини ўрганиш кино ишлашга арзимайдими? Яқинда Россияда бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатининг ўта оғир вазн бўйича чемпиони ҳамда чемпионатнинг энг яхши спортчиси деб топилган Баҳодир Жалоловнинг босиб ўтган излари ҳақида фильм қўришни жуда-жуда истаган бўлардик. Ана ўшанда кино орқали муаммоларга ечим топиш мумкинлигига ишонамиз.

**Нигора РАҲМОНОВА,**  
"Оила ва камият" мухбири.

# O'YINLAR HAQIDA O'YLAB KO'RSAK...

Уйинларсиз болаларнинг ҳаёти жудаям зерикарли бўларди, албатта. Аммо ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, ўйинлар болага фақат шунинг учун, яъни вақтни завқли ўтказиш учунгина керакми? Йўқ, аслида бундай эмас. Болалар ўйинларининг вақтни ҳуш ўтказишдан бошқа ҳам маъно, моҳият, мақсадлари бор. Болаларимиз бемаъни (айнан бемаънилари назарда тутилмоқда) компьютер ўйинларига муккаси-дан кетган, катталар эса бунга беварқ қараётган ҳозиргидай бир даврда, бугун биз ўйинларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб, қадимий халқ ўйинларини эслаб ўтмоқчимиз...

Шундай қилиб, қадим-қадимда горда яшаган ибтидоий одамлар ҳайвон овлашга кетишдан олдин олов атрофида рақс тушиб, турли жанговор ўйинларни бажарар эдилар. Бу ўйинлар эса уларнинг ов пайтида талаб қилинадиган тезкорлигини оширар, ҳужумга ўтиш усуллари ўзлаштиришга ёрдам берарди. Қисқаси, ибтидоий одамлар яшаган ўша даврларданок инсоният ўйинлар шунчаки оддий эрмак эмас, аксинча ҳаёт учун зарур тайёргарлик жараёни эканлигини ҳис этишган. Мисол тариқасида, ўзидан сўраб кўрсангиз, машҳур инженер технологлар болалигида ўйинчоқларини бузиб, қайтадан йиғишга уринганини, шифокорлар ёлғондакам фонендоскоп билан катталарнинг юрак уришларига қулоқ солганини, тикувчи ва дизайнерлар кўғирчоқларига хилма-хил либос тикишни яхши кўрганини айтишади.

## Уйинлар неча турга бўлинади?

Бизга маълумки, қиз болалар азалдан кўғирчоқ, "хола-хола" каби ўйинларни ўйнашни яхши кўришса, ўғил болалар футбол, тортишмачок ўйинларини маъқул билишади. Хуллас қиз болалар ва ўғил болаларнинг қизиқадиган ўйинлари бир-биридан фарқ қилади. Бу табиий. Ахир улар икки хил тарзда катта ҳаёт учун тайёргарлик кўришади-да! Қизлар ва ўғил болаларнинг бу каби ўйинлари эса, асосан иккита катта турга бўлинади. Инсондан ҳаракат талаб қилиб, ақлий фаолиятини ўстирувчи ўйинлар.

## Қадимий халқ ўйинлари

Уйда, ишда, кўча-кўйда ҳозирги болаларнинг зехни ўткирлашиб бораётгани, телевизор пултиго, компьютерни балодай тушунишлари ҳақида эшитасиз. Аслидаям эртаю-кеч телевизор кўриб, компьютер ўйнаб ўтиргандан кейин шу-да: улар бу борада биздан кўра кўпроқ нарсани билишади. Бу бир ҳисобдан яхшиямдир, бироқ болаларимиз бизнинг гўдаклик даврларимиздан кўра нимжонроқ, касалга чалинишга мойилроқ бўлиб бораётгани ҳам, тан олиш оғир бўлса-да, бор гап. Бунинг экологиядан ташқари сабабларидан бири — улар биз ўйнаб ўсган халқона ўйинлардан бебаҳра...

Қуйида сизга бугунги авлод бебаҳра бўлган қадимий халқ ўйинларини эслабти ўтаман:

## ҲАККА-ЧИЛЛИК

"Ҳакка-чиллик" ўйини азал-азалдан ўғил болалар ўйини ҳисобланган. Уйинда кўпи билан 12 киши иштирок этиши мумкин. Бунда ўйинчиларга 80-90 сантиметрлик таёқча — "ҳакка", ҳамда 15-20 сантиметрлик таёқча — "чиллак" керак бўлади. Уйин бошлангандан олдин иштирокчилар навбатма навбат "ҳакка"ни кўлга олиб, кичик таёқча — "чиллак"ни эрга тушириб юбормасдан ҳавода уриб ўзларини синашади. Чиллакни ким эрга тушириб юбормай энг кўп ура олса, ўша бола ўйинбоши қилиб сайланади.

Сўнгра ўйинбоши эрга катта доира қизиб, доира ўртасидан "чиллак"ни уриб учуришга қулай бўлиши учун чуқурча ўяди. "Чиллак"ни чуқурчага икки учи билан қуйиб жойлаштиргач, "ҳакка" ёрдамида туртиб ҳавода



Аслидаям эртаю-кеч телевизор кўриб, компьютер ўйнаб ўтиргандан кейин шу-да: улар бу борада биздан кўра кўпроқ нарсани билишади. Бу бир ҳисобдан яхшиямдир, бироқ болаларимиз бизнинг гўдаклик даврларимиздан кўра нимжонроқ, касалга чалинишга мойилроқ бўлиб бораётгани ҳам тан олиш оғир бўлса-да, бор гап. Бунинг экологиядан ташқари сабабларидан бири — улар биз ўйнаб ўсган халқона ўйинлардан бебаҳра...

кўтариб, зарб билан уриб юборади. У урган "чиллак" қанча узоққа учса, ўйинчининг очколари ҳам шунча орта боради. Мабоодо отилган "чиллак" таёқчани ҳавода учаётган пайти бирор бошқа иштирокчи тутиб қола олса, ўйинбошилик вазифаси энди унки!

"Ҳакка-чиллик" ўйинининг энг қийин қисми "зувлан" десак англишмаган бўлаемиз. Бу қисмда кам очко олиб мағлуб бўлган ўйинчи "чиллак" келиб тушган жойдан то чизилган доира ичигага бир оёқда сакраб боришига тўғри келади. «Нега шартнинг номи "зувлан"» дейсизми? Чунки бир оёқда сакраб бораётган ўйинчи оғзи ёрдамида нафас ростламасдан "Зууувв..." деб овоз чиқариб сакраши ҳам талаб қилинади. Агар у "Зувлаётган" вақтида нафас олиб қўйса, ортига қайтиб шартни бошқатдан бажаришга мажбур.

## ҚОЧАРМА

Қочарма ўйинини азалдан фақат қиз болалар ўйнашган. У жуда қадимий ва жуда қизиқарли ўйинлар тоифасига кириб, унда тўрт кишидан ўн кишигача қиз бола қатнашиши мумкин бўлган. Уйинда энг аввало иккита она боши сайланади. Қолган қизлар ўзаро келишиб, ўзларига ясама исм танлашади. Танлаб бўлишгач, она бошиларга шеърин тарзда муружаат қилишади:

«—Матти, матти кимнинг навбати?»

«—Менинг!» — дейди онабошилардан бири.

Қизлар сўрашади:

«—"Тожи тилло хўроз" ни оласанми, "Чала мулло товук" ними?»

Биринчи онабоши ўзига маъқул келган ясама исмни танлайди ва ўша исмнинг эгаси унинг ортидан бориб жойлашади. Ўзига жамоа аъзосини танлаш навбати шу тариқа иккинчи онабошига келади. Уйиннинг бу қисми "Чеклашмачок" деб аталиб, қизларни бундай тарзда тақсимлаш ўйин адолатли бўлиши, ҳамда ҳеч ким хафа бўлмаслиги учун зарур.

Шу тарзда ниҳоят ўйиннинг асосий қисми бошланади. Яъни, икки гуруҳга бўлиниб, икки сафга тизилган қизларнинг бири тўпни бор кучи билан, имкон қадар узокроққа улоқтиради ва тўпни улоқтирган гуруҳдагилар санай бошлашади:

«—Бир, икки, ўн икки,

Ўн икки деб ким айтди?!

Ўн икки деб мен айтдим.

Ишонмасанг санаб боқ...»

То санок туғалгунча иккинчи гуруҳдаги қизлардан қатор бошида тургани югуриб бориб, тўпни тутиб келтиришга улгурмоғи лозим. У тўпни тутиб келтира олса тўп отиш гали энди иккинчи жамоаники, мабодо санок туғалгунча тўпни келтиришга улгурма олмаса тўпни яна биринчи жамоа отади. Уйин охирида тутиб келтирилган тўплар сони ҳисоблаб чиқилиб, мағлуб жамоа аниқланади. Мағлуб жамоа ютказгани учун шеър ёки кўшиқ айтиб беришга, талаб қилинса ҳаттоки рақсга тушиб беришга ҳам мажбур бўлади.

## ХУЛОСА ЎРНИДА...

Мақола орқали айтмоқчи бўлган фикримни мухтасар қилиш олди-дан, Қорақалпоқ адаби Тўлабберген Қайипбереновнинг бир гапини эслаб ўтишни жоиз деб билдим:

«...Болалигимизда "Чумчуқ учди" деган ўйинимиз бўларди. Бу ўйинга қари, ёш ҳамма кўшиларди. Яъни, "Биздан бир чумчуқ учди" деб гап бошларди биров. Қолганлар "Таърифла!" дейишарди. Уйинни бошлаган одам таърифлашга тушарди: "Учган чумчуқнинг уч ўғил, уч қизи бор, ўн олтига товуги, иккита сигири бор..."

Овулда ўтирган ҳамма гап қайси кўшни ҳақида кетаётганини қидириб кетишарди...Энди-энди аҳамият бермас, ўшанда ўйнаган "Чумчуқ учди" ўйинимиз шунчаки ўйин бўлмаган экан. Биз болалар овулимизда яшаган барча инсонларни яхшироқ таниб олишимиз, уларнинг яшаш шароитидан хабардор бўлишимиз учун ўйлаб топилган фаройиб тарбия воситаси ҳам экан...»

Ҳа, бизга арзимасдай туюлган нарсаларга тийраклик билан назар ташласак, аслида арзимас бўлиб чиқмайди. Юқорида мен сизга ҳозирги болаларнинг нима учун нимжонроқ эканини айтиб ўтдим. Лекин нима сабабдан жиззакироқ, бемехрроқ, беварқроқ экани ҳақида атайлаб гапириб ўтирмадим. Қани, энди дўппини бир бошдан олингчи...

Б. ҚҮЛДОШЕВ

# DUNYOGA TANILAYOTGAN

# ARXITEKTOR QIZ



Яқинда Корея Республикасининг Пёнчанг шаҳрида "Better Together Challenge 2019" фестивали бўлиб ўтди. Бу йилги фестиваль Жанубий Кореядаги 2018 йилги Олимпия шаҳарчасини "Тинчлик ва барқарорлик шаҳри"га айлантириш бўйича ғоялар танловига бағишланди. Танловда 60 мамлакатдан келган 500 нафар номзодлар орасида юртдошимиз Тахмина Турдалиева 2-уринни қўлга киритди. Фурсатдан фойдаланиб, архитектор қизнинг фаолиятига назар солдик.

## БАХТЛИ БОЛАЛИКДАГИ ОРЗУ

Тахмина кичкиналигиданок ранглар оламига меҳр қўйди. Жажоки қўлчасига қалам олиб, ўзининг дунёсини қоғозга туширарди. Онаси олиб берган расм дафтарида турли тасвирлар билан тўлдирар, уларни ўз тилида изоҳлаб берарди. Буни кўрган дадаси "менинг рассом қизим..." дея эркалатарди. Тахмина негадир кўпроқ катта-катта уйлари, унинг ховлисини, боғларини чизсини яхши кўрарди. Қоғозга туширилган уйларида ўз уйлари, орзулари билан яшарди. Буни пайқаган ота-она қизининг қўлларидан етаклаб рассомлик тўғарага олиб борди. Мўйқаламнинг сеҳридан илҳом олган қизалоқ бир қанча танловларнинг ғолиби бўлди. Тахминанинг болалик пайтидаги тасаввурлари ўткинчи ҳолга айланмади, аксинча, улар инсон ва архитектор сифатида унинг дунёқарашига мустаҳкам асос, негиз бўлиб қолди.

## КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

Мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, Республика рассомлик коллежига ўқишга кирди. Ўқиш мобайнида ранг-тасвирнинг ўзига хос томонларини, но-зик жиҳатларини мукамал ўрганишга киришди. Шу йиллар ичида у кўплаб халқаро ва республика танловларида иштирок этишга, малакасини оширишга, устозларидан тажриба орттиришга улгурди. Республика "Ёш рассомлар" танловида ғолиб бўлганидан сўнг, унинг олдида катта йўл турарди. Тахминанинг бу ғалабаси унинг имтиёзли равишда олий даргоҳга қабул қилиниши эди. Шу боисдан рассомликдан кўра архитектор соҳаси ўзига яқинлигига амин бўлди. Ва иккиланмай Тошкент архитектура қурилиш институтига ҳужжатларини топширди. Архитектор сифатида ҳам доим бирон-бир янгилик ўйлаб топиш пайида бўларди, турли бадиий аъёналарни эринмай тадқиқ қилар ва ўзлаштирарди. Нима бўлганда ҳам у бу йўналишда ўз йўлини танлади. Олийгоҳда ҳам кўплаб республика ва халқаро танловларда қатнашди. 2012

йилда "Президент стипендияси", Республика дизайн Олимпиадаси ғолиби бўлди. Институтни тугатгандан сўнг Хитойда ўқиш учун грант ютиб олиб, магистратурада таҳсил олди. 3 йил магистратурада ўқиб, ўқиш давомида ҳар доим амалиёт ўтади. Умуман олганда Хитойнинг таълим тизими жуда қулайлиги яъни талаба ўзи хоҳлаган дарсларни танлаб, ўзи хоҳлаган вақтда дарсларга қатнаб, ўз вақтини ўзи бошқариши мумкинлиги унга асқотди. Шу тизим эвазига унда амалиёт учун етарли вақт бўлди. Магистратурани тугатиб, Хитойдаги "Cube Design Architects" халқаро архитектура компаниясига ишга кирди.

## ХИТОЙДАГИ ҲАЁТ

Хитой архитектура соҳасида жуда ҳам ривожланган. Ҳозир дунёдаги энг катта қурилиш майдони Дубай ва Хитойда. Шунинг учун ҳам, дунёдаги энг машҳур архитекторлар шу икки давлатда лойиҳалари билан иштирок этапти. Тахмина ҳозирда ўрганаётгани йирик-йирик лойиҳалар устида ишлаш, концепция яратиш. Хитойда лойиҳалар


"Ёшлар Саройи" дизайн лойиҳаси билан ғолиб бўлганда, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг янги авлод истиқболли ва истеъдодли архитекторларидан бири деб тан олинганди. Мазкур лойиҳа асосидаги иншоот яқин келажақда Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида бунёд этилиши режалаштирилган. "Ёшлар саройи" дизайн лойиҳасининг қурилиш ҳажми 5000 квадрат метрни ташкил этиб, бино дизайни ҳам замонавий, ҳам миллий тусда лойиҳалаштирилган.



"TURKISTAN ARCHITECT AWARDS" халқаро танлов Қозоғистон ҳукумати томонидан 2017 йил Туркистон шаҳри "Туркий халқлар маданий маркази" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда шаҳарни ободонлаштириш мақсадида эълон қилинган. Танлов 15 та йўналишдан иборат бўлиб, якуний натижа сифатида фақат 10 та лойиҳа ғолибликка муносиб деб топилди.

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ШАҲРИ

Пёнчанг шаҳрида "World Culture Open" халқаро ташкилоти ва Пёнчанг (Корея Республикаси) ҳукумати томонидан "Better Together Challenge 2019" фестивали ўтказилди. "Better Together" — бутун дунёдаги ижтимоий инноваторларни, ижодкорларни, фаолларни ва идеалистларни илҳомлантирувчи, фикр алмашиш учун бирлаштирувчи глобал фестивалдир. Мазкур фестиваль Жанубий Кореядаги 2018 йилги Олимпия шаҳарчасини "Тинчлик ва барқарорлик шаҳри"га айлантириш бўйича ғоялар танловига бағишланди. "Тинчлик ва барқарорлик шаҳри" ғоясига 2018 йилги



ҳажми энг ками 150-200 минг квадратдан бошланади. Йирик лойиҳалар устида ишлаш имконияти борлиги архитектор қиз учун катта ютуқдир. У икки йилда 25 га яқин лойиҳа яратди. Бу иш суръатининг тезлиги ҳисобланади, чунки бошқа давлатларда битта лойиҳа устида 2-3 ой ишланади. Хитойликлар билан бу ерда битта лойиҳани бир ой ичида ишлаб чиқиш, концепциясини топширади.

## ИЛК ВА ОЛИЙ ЮТУҚ

Тахмина 2018 йилги "Turkistan Architects award" халқаро танловида

қишки олимпия ўйинлари очилиш маросимидagi воқеа сабаб бўлган ва ўшанда икки Корея (Шимолий ва Жанубий)нинг 200 дан ортиқ делегатлари Корея ярим-оролининг бирлашиш байроғи остида тўпланган эди. Бу фестивалда Тахмина архитектура йўналишида иштирок этди. У Корея ярим-ороллига бағишланган "Garden of Unification" бирлашиш боғини яратишни кўзда тутувчи "Тинчлик ва барқарорлик шаҳри"нинг ғоявий дизайнини тақдим этди ва 2-уринни эгаллади. Ушбу бирлашув боғи экологик тадқиқотлар лабораториясини, ички хотиржамлик ва медитация машқлари

учун мослашган майдончаларни ўз ичига олади.

## БИР БОҒ ЁКИ ЎРМОН БЎЛСА...

Шаҳарнинг тарихи шундаки, 2018 йилда Пёнчанг шаҳрида қишки олимпия ўйинлари бўлиб ўтган. Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида можаролар бўлиб ўтган, шу можароларни ҳал қилиш ва бирлашиш учун Шимолий ва Жанубий Кореянинг 200 нафардан ортиқ делегатлари Корея ярим-оролининг бирлашиш байроғи остида тўпланишган. Лойиҳа устида ишлаётган Тахмина ана шу воқеани қандайдир тарзда акс эттиргиси келди. Шунда "Бирлашиш боғи"ни яратишга қарор қилди. Умуман, тинчлик мавзуси унга ҳар доим яқин мавзу ҳисобланади, чунки медитация-ички хотиржамлик туйғуси машқлари билан 2014 йилдан буюн шуғулланади. Шунинг учун ҳам, бу лойиҳа устида қизиқиш ва иштиёқ билан ишлади.

Тинчлик билан нима боғланиши мумкин, деб ўйлаб ва шу қарорга келди, бир боғ ёки ўрмон бўлса. Чунки инсон боғ ёки ўрмонлар ичида сайр қилса, хотиржамлик туйғуси уни қамраб олади. Шунинг учун боғ тинчликка мос келган элемент деб ўйлади ва лойиҳада ўртада катта боғ, атрофда медитация ўтиш, тадбирлар ўтказиш учун майдончалар, биноларни макетга туширди.

## "ЎЗБЕКИСТОН-2035" ФОРУМИДА

"Ўзбекистон-2035" форумида қатнашган Тахмина форум учун тақдимот тайёрлаганди. Унда стратегик таклифлари ўрин олган, яъни Ўзбекистон шаҳарлари, архитектураси қандай ривожланиши керак? деган саволга умумий стратегик концепция яратиб берди. Бу нималардан иборат: Ўзбекистонда ҳозир биттагина марказий шаҳар бор, бу ҳам бўлса Тошкентда. Унинг таклифи: Ўзбекистонда бир нечта марказий шаҳарлар бўлиши керак.

Самарқанд ва Навоий шаҳарларини марказий шаҳар сифатида ривожлантириш лозим. Бу таклиф, албатта, тадқиқот асосида қилинган. Ҳар бир шаҳарнинг ўз рейтинглари бор, рейтинглар кретеорияларга асосланиб танланади. Шуларнинг ҳаммасини таҳлил қилиб, концепция яратди. Ўзбекистон аҳолисини шаҳарма-шаҳар тўғри тақсимлаш чоралари айнан шунга боғлиқ бўлади. Ҳозир Биттагина марказий шаҳар бор ва бутун Ўзбекистон аҳолиси шу ерга интиломқда. Яна бошқа иккита шаҳар марказий шаҳар тарихида ривожлантирилса, аҳоли ана шу марказларга ҳам интилади ва аҳоли тақсимланиши тўғри бўлади, деб ўйлайди. Қисқаси, унинг концепцияси шу ғояларни ўз ичига олган.

Тахмина шахмат бўйича ФИДЕ Халқаро тоифадаги ҳаками, "World Peace Initiative" халқаро ташкилоти ҳамда "Буюк келажақ" экспертлар кенгаши аъзоси ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ўтказилган шахмат бўйича кўплаб нуфузли мусобақалар дизайн лойиҳалари муаллифи.

Унинг орзуси Ўзбекистонда ўзининг ижодий ғояси, фавқулодда ажойиб геометрик шакллар, ашёларни "ўйини"га чорлаб, оҳанрабодек ўзига жалб этувчи "Ер юзида учрамайдиган" гўзал биноларни яратиш.

Чарос ДЎСТАТОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.

# ILON O'CHNI

**К**ўчимизни уловларга ортиб, чорва молларни ҳайдаб отам иккимиз Қўштўба томон йўл олдик. Кунларнинг бирида ўтовимизга меҳмонлар келишди. Отам улар билан кучоқ очиб, кўл олишаркан кўзларида севинч ёшлари пайдо бўлди. Меҳмонлар сўрига чиқишгач, суҳбат чоғида уларнинг қўшни вилоятда яшаши ва отамнинг аскарликдаги қуролдош дўстлари эканлигини билиб олдим.

Бир пайт дастурхонга илон боласи яқинлашиб, нон ушоқларини ейишга энди чоғланганида, меҳмонларнинг шопмўйловлиси бўш турган косани унинг устига тўнкариб ёпиб қўйди. Буни кузатиб турган отам меҳмон кўнгли учун чурқ этмади. Агар мен шундай қилганимда, отам асло кечирмаган бўларди.

Чипор илон заҳарли бўлиб, уни мол-давлат илони ҳам деб атардик. Оиламизда ҳеч ким жониворларга озор етказмас, уларнинг ҳам бизга зиёни тегмасди. Эрта баҳордан бери улар билан ўтовда ёнма-ён, тинч-тотув ва хотиржам яшаб келаётган эдик.

Онам дастурхонни йиғиштириш мақсадида тўнкарилган косани оларкан тағидаги илон боласига кўзи тушиб, ҳайрон бўлди. Мурғак жонивор ўрмалаганича бир зумда қоронгулик кўйнига сингиб, кўздан ғойиб бўлди. Суҳбат авж олиб меҳмонлар "ушланиб" қолган илон боласига кўп эътибор беришмаганди.

Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Биз энди ётиб дам олишга чоғланганимизда, уй шифтида осиглик кадиларнинг бири "тап" этиб тушиб кетди. Гиламга тўкилган сутда қоп-қора доғларни кўриб, кўнглимиз беҳузур бўлди. Шифтда эса муаллақ осилиб турган ип ёнидаги илонга кўзи тушган меҳмонлар баттар хавотирга туша бошлашди. Илон бир уй одамнинг ҳаловатини бузганди.

– Илон иши заҳар солмоқдир, – деди меҳмонларнинг ёши улуғи. Шунда отам ҳам бўлар гапни айтиди-қўйди: – Халқимизда ётган илоннинг куйруғини ҳам босмаслик керак, деган нақл бор. Ёмонни яхшилик билан енгиш мумкин.

Афтидан илон боласи дастурхон ёнида "ушланиб" қолганида она илон

биздан ўч олмоқчи бўлиб шифтда осиглик кадиларнинг биридаги сутга заҳрини сочгани, кейин эса боласининг тирик эканлигини пайқагач, оғу солинган идиш ипини тишлаб узган эди. Шунда шопмўйловли меҳмон илон боласини бекордан-бекор "ушлаб" тургани, она илоннинг эса қасдлашиб биздан ўч олмоқчи бўлгани ва оқибати нима билан яқунланганлигини англаб, ўнғайсизланиб қолади.

– Зарари тегмаган "кўшни"нинг фойдаси теккани шу экан, – деди у биз билан хайрлашаркан.

Отам меҳмонларни кузатиб қўйгач, бизга бундан бир йил аввал рўй берган бир воқеани сўзлаб берди. Қўшни Ҳовузбулоқ, қишлоғида яшовчи Асқар амаки бўш қолди дегунча овга чиқар, кўп вақтини кўлвор илон тутиш билан ўтказар экан. Кўлвор илон анча йирик бўлиб, йўғонлиги болакайнинг билагидек келаркан. Унинг хира териси ва сутранг оқ кўзлари яққол ажралиб турар, одамга дуч келганда ҳаракатсиз ётар ва чақиши

Қасоскор жонивор бундан кейин ҳам овчининг уйи атрофида ўлжасини тинчгина кузатишда давом этаверади. Саратон кунларининг бирида қаровсиз қолганидан фойдаланиб, бешикдаги чақалоқнинг устига чиқиб чамбарак бўлиб ётиб олади. Эмизикли боласининг бўғиқ йиғисини эшитган она ҳеч нарсадан хабарсиз шошганча чақалоққа энгашган ҳамон илон чақмоқ тезлигида ҳаракатланиб, заҳарли тишини ишга солади.

пайкамади.

Илон оғзини очиб шошмасдан ҳаракатланади. Тили орқали овчи хидини эслаб қолади ва кўринмас из кетидан тушади. Қувлаб толпагунча ортидан юраверади.

Бир кун чашшоҳда овчининг ўғли пайкалда етилган бодринларни узиб олаётганда, кўлвор унга ҳамла қилади. Шукрки, ўз вақтида қишлоқ врачлик пунктига етказилиб, дори-дармон қўллангани боис, болакай соғ-омон қолди.


Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас кечаси сўрида ухлаб ётган қизалоғи уйғониб кетади ва жон талвасасида чинқираб йиғлай бошлайди. Уни ҳам кўлвор чаққан эди.

Қасоскор жонивор бундан кейин ҳам овчининг уйи атрофида ўлжасини тинчгина кузатишда давом этаверади. Саратон кунларининг бирида қаровсиз қолганидан фойдаланиб, бешикдаги чақалоқнинг устига чиқиб чамбарак бўлиб ётиб олади. Эмизикли боласининг бўғиқ йиғисини эшитган она ҳеч нарсадан хабарсиз шошганча чақалоққа энгашган ҳамон илон чақмоқ тезлигида ҳаракатланиб, заҳарли тишини ишга солади. Бундай нохуш воқеалардан сўнг оила бошлигининг кўнглига гулгула тушиб, кўч-кўронини юк машинасига ортиб, ҳеч кимни огохлантирмай, бир оқшомда кучиб кетиши маҳалладаги ларни ҳам ҳайрон қолдиради.

Мана ўша воқеага ҳам анча вақт бўлди. Қизиги, ҳовлига кўчиб келган анги оила тинч ва хотиржам яшаб келмоқда. Уларнинг ҳеч бири кўлвор илонга рўпара келмади. Афтидан, танаши совуқ махлуқ жуфти учун ўчини олиб бўлганди.

Шу-шу овчи Асқар амаки овга чиқмас, илонлардан узокроқ юрар, жониворлар ҳам ундан озор чекмасди. Лекин у тоғларнинг гўзаллиги, хуснилофати ва сўлим табиятини кўмсаб қолганида ов қуролларисиз дарага йўл олар, бир неча кун баҳри-дили очилиб, ўзини енгил ҳис эта бошларди.

Абдулла САИДОВ



# UYIDA TINCHI BO'LSIN, YIGITNING

**И**нсон ҳаётда ҳамisha аниқ мақсад ва орзу ҳаваслар билан яшайди. Шу орзу ҳаваслар рўёбини ҳамisha ўз оиласи яқинлари ва фарзандлари фаолияти билан боғлайди. "Оила бахт фабрикаси", – дея бежиз таърифлашмаган.

Яқинда бир фуқаро марказимизга мурожаат қилди. Суҳбатдошимиз "Работак" қишлоғида яшовчи Фахриддин (исми ўзгартирилган) суҳбатини шундай бошлади. "Опа, инсон аввало, оиласида бахтли бўлсин экан. Оилалиман. Икки нафар фарзандим бор. Ёшим эллиқда, бир корхонада ишчи бўлиб ишлайман. Турмуш ўртоғим уй

бекаси, ишимиз соат 6 да тугайди. Ишдан сўнг ҳамма уйига шошилади, мен эса, уйга боришни ўйласам юрагим титрайди..." Эракнинг кўзлари ёшланди. "Уйга келиб, дарвозадан киришим билан хотиним турли баҳоналарни рўқач қилиб, жанжални бошлайди. Шукронани билмайди, ҳеч бўлмаганда болаларимнинг отаси деб ҳурмат қилмайди. Қўшниларимиз, қишлоқ оқсоқоли ҳаттоки қайнопам келиб қанча тушунтиришди. Ахир, оила муқаддас даргоҳ, эр-хотин бир-бирини ҳурмат қилмас экан, бир-бирига меҳр кўрсатиб яшамас экан, эрта бир кун фарзандлардан меҳр кутиш мумкин-

**Ишдан сўнг ҳамма уйига шошилади, мен эса, уйга боришни ўйласам юрагим титрайди... Эракнинг кўзлари ёшланди. Уйга келиб, дарвозадан киришим билан хотиним турли баҳоналарни рўқач қилиб, жанжални бошлайди.**

ми? Қолаверса, бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кўтарилди. Китобларда ўқиганман, аввало эрак кишининг уйида тинч бўлмаса ҳаммаси бекор гап. Уз оиласида бахтли бўлган инсонгина ҳаётда том маънода бахтиёр бўлар экан. Инсоннинг инсоф ва покиза туйғулари илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари оила бағрида шаклланади. Боланинг феъл-атвори ва табиятини дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар, яхшилик, эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат ор-номус, андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топади. Аёлим

ўзини маънан тузатмас экан, мен ва фарзандларим бахтли ҳаёт кечира олмаймиз."

Биз Фахриддиннинг аёли билан суҳбатлашдик. У бизни тинглаш ўрнига ўзининг ҳақ эканлигини, унинг оилавий можароларига қўшилмаслигини бот-бот тақрорлади. "Йўқ, синглим, – дедим. – Оила – жамиятнинг муҳим бўғини. Унинг тинчлиги, хотиржамлиги жамият тинчлигида дахлдор экан, биз албатта бу муаммони бартараф этишга масъулмиз". Суҳбатимиз якунида Нодира (шартли равишда шундай деб атадик) медиатор ва психолог суҳбатига боришга розилик берди. Бу оила мамлакатимиздаги бахтли оилалар сафига қўшилишга ишонимиз. Биз эса мавзуга яна қайтамиз.

Зулхумор РАЗЗОҚОВА,  
"Оила"ИАТМ Бухоро туман бўлими раҳбари.

# HAYVONOT BOG'IGA BORSANGIZ AGAR

siz kutgan mo'jizalar sodir bo'larmikan?..

У ерни супуриб

тозаласак бу ер хазонга бурканиб қолади, бу ерни йиғиштирсак у ер. Бундан ташқари, дам олишга келган аҳоли ҳам ишимизга иш қўшади. Ахлат учун махсус идишлар қўйилган бўлишига қарамай, егуликларидан қолган идиш ва селюфанларни, елим идишларни дарахтлар остига, йўлак чеккаларига ташлашади.



Дам олиш кунини жиянларим билан ҳайвонот боғида ўтказмоқчи бўлдик. Ўйлаб қарасам, бу ерга охириги марта 8 ёшимда келган эканман. Ўшанда опам ва укаларим билан роса яйраган эдик. Айниқса, оқ айиқ ва фил билан бўлган ўзаро суҳбатимиз жуда кизгин кечганди. Ҳа, болаларнинг беғубор қалби гуллар, ўсимликлар ва ҳайвонлар билан тиллаша олади, десам ишонаверинг. Бу сафар ҳам ўша мўъжизалар содир бўлармикан? Ҳозир бу боғ аввалгидан ҳам чиройли бўлиб кетгандир... Ширин халлар суриб Ҳайвонот боғига ҳам етиб келдик. Бироқ, афсуски... Келинг, яхшиси... боққа ташриф буюрган меҳмонлар ва мазкур боғ ходимлари билдирган мулоҳазаларга ўрин берайлик.



боғ майдони жуда катта бўлганлиги учун бўлса керак атрофда хазонлар бетартиб сочилиб ётибди, лама, от, туя, буғулар эса хазонларни еб ўз хонасини ўзлари тозалаб фаррошлик қилишяпти. Ҳатто шу ҳақда болаларимга эртақ ҳам тўқиб улгурдим.

Лола Толипова, ҳайвонот боғи супурувчиси:

– Ҳа, боғ майдони етарлича катта. Дарахтлар ҳам жуда кўп, балки шунинг учун ҳам бу ерни йиғиштириш баъзида жуда қийинлик қилади. У ерни супуриб тозаласак, бу ер хазонга бурканиб қолади, бу ерни йиғиштирсак, у ер. Бундан ташқари, дам олишга келган аҳоли ҳам ишимизга иш қўшади. Ахлат учун махсус идишлар қўйилган бўлишига қарамай, егуликларидан қолган идиш ва селюфанларни, елим идишларни дарахтлар остига, йўлак чеккаларига ташлашади.

Лола опанинг гапларидан биз ҳам таъсирландик. Қандай қилиб ахлат учун махсус идишлар турганлигини кўра била туриб, ахлатни йўл чеккасига улоқтириш мумкин. Бу том маънода маданиятсизликни ифодаламайдимми? Боғда юрган жажжи болалар ҳам сиз қилган ишни кўриб такрорламаслигига ким кафолат беради? Аксинча, фарзандларимизга тозаликни, инсон меҳнатини кадрлашни ўргатмоғимиз, йўл четидан турган махсус идишлар вазифасини тушунтирмоғимиз керак эмасми?...

## ЙЎЛБАРСНИ УЙЎТМОҚЧИ БЎЛГАН АМАКИ

Ҳайвонларни навбати билан томоша қилиб кетаётсак, жиянларимдан бири мени туртиб, вой опа, анави эси йўқ амакини қаранг, деб қолди. Қарасам, катта ёшли киши ухлаб ётган йўлбарсни уйғотишга уриниб, чегара қилиб ўралган сеткани ураётган экан. Сеткага эса жониворларнинг жаҳлини чиқармаслик ҳақида ёзиб қўйилган эди.

Баходир Валиев, ҳайвонот боғи ўхшалик бўлими мудири:

– Бир нарсани аниқ айта олишим мумкин, ҳайвонот боғи – инсонлар жониворларни кўриши, улар билан танишиши учун мўлжалланган макан. Бу ердаги ҳайвонлар одамларга турли трюклар, томошалар кўрсатиш учун боқилмаяпти. Жониворлар томоша кўрсатадиган жой – бу цирк. Лекин шундай одамлар борки, бунини тушуниши исташмайди, жониворлар-

га тегишиб жаҳлини чиқаради, ундан нимандир кутади. Ёки ейиши мумкин бўлмаган (баъзида селюфанларни ҳам еб юборган) ҳайвонлар бўлади, натижада ўша жонивор қаттиқ касал бўлади ёки нобуд бўлади) озуқалар билан озиқлантиришади. Шундай ҳолатлар кузатишмаслиги учун ҳам кўпчилик ҳайвонлар панжарасига уларни безовта қимасликларини сўраб ёзиб қўйганмиз. Афсуски, боғ қонун-қоидаларини ҳурмат қилмайдиган одамлар ҳам учраб туради.

## ЛАМАНИНГ БОЛАСИГА ОВҚАТ БЕРИШМАЯПТИМИ?

Туёқли ҳайвонларни кузатиб борар эканман, келинлари ва набиралари билан сайр қилиб юрган София ая ламанинг озгингина боласига ачиниб гапирётганини эшитиб қолдим:

– Бунинг озгинлигини қаранг, онаси тўйиб овқат емаётгандирки, боласи шу даражада озгин.

Холанинг бу гапларидан ташвишлиниб, тегишли мутахассислардан маълумот олишга ҳаракат қилдим. Ҳайвонот боғи бош муҳандиси Мирзарауф Маҳаммадалиевнинг айтишича, Ҳайвонот боғида давлат томонидан ажратилган маблағ ҳисобига озиқ-овқатлар шартнома асосида жониворларнинг сони ва ёшига қараб келтирилади. Шунингдек, улар ейиши керак бўлган озуқалар миқдори аниқ ўлчанган. Меъёридан кўп ҳам, оз ҳам ейишмайди. Баъзи жониворларнинг озгин кўриниши эса уларнинг табиатан шундайлигидан даполат беради.

## ҲАР БИР ЖОНЗОТ МЕҲРГА МУҲТОЖ

– Тошкент ҳайвонот боғи 1997 йилда очилган, ҳозир бу ерда 9 мингга яқин жонзот мавжуд, – дейди йирткичлар бўлими зоотехниги Нодир Бахромонов. – Ҳар бир тирик жонзот меҳрга муҳтож, биз эса мана шу меҳрни бериш баробарида оляпмиз ҳам. Жониворлар (хаттоки, йирткичлар ҳам)га яхшилик қилсангиз миннатдорчилик билдиришга уринишади. Бир сафар айиқ болаларни безовта юрганини сезиб қолдим. Яхшилаб уларни текширсам, одамлар улар яшайдиган жойга ингалар ҳам ташлаб кетишган экан. Айиқларнинг оёқларини ингалардан тозалаб қўйсам, менга раҳмат айтаётгандек роса атрофимда сакрашди. Юзларимдан ўлиб қўйишди. Шундай вақтларда мен ўз касбимдан фахрланиб кетаман ва ишимни янаям қийқидилдан бажаришга аҳд қиламан.

Шундай қилиб, ҳайвонот боғига бўлган саёхатимиз ўзига хос таассуротларга бой бўлди. Саёхат бахона жиянларимга янги эртақлар ва ҳиқоялар айтиб бердим. Ҳа, табиат билан ошнолик қалбга ўзгача илҳом ва кайфият бахш этади. Жажжи жияним Маржонахон эса бир-биридан чиройли ашулалар айтиди. Эпшодбек чизган расмларни кўриб, хатто Бургут бобо ҳам таҳсин ўқиди. Боғда учраган баъзи бир камчиликлару муаммоларни эса мутасадди ходимлар келгуси сафар келгунимизга қадар ҳал қилишга сўз беришди.

Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири.

## АВВАЛГИ ФАЙЗИ ВА КЎРКИ БОШҚАЧА ЭДИ

– Бир йилда ҳеч бўлмаганда бир марта невараларимни ҳайвонот боғига олиб келишга ҳаракат қиламан, – дейди нафақадаги тадбиркор Набижон Алимбоев. – Болалар қалбда жониворларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларнинг табиатга бўлган муносабатлари ижобий шаклланиши учун ҳам бу каби дам олиш масканларига тез-тез келиб туриш керак, деб ҳисоблайман. Кўриб турибсиз, бу ерга ҳали эсини таниб улгурмаган кичкинтойларни ҳам кўтариб келишган, чунки, табиатга, жонзотларга бўлган тарбияни кўз билан кўриш ва қўлоқ билан эшитишдан бошлаш ҳам мумкин. Аммо бу сафар боғ кўзимга бироз тўқилиб қолгандек кўринди. Аввалги файзи ва кўрки бошқача эди.

Мухсима Асатиллаева, 6-синф ўқувчиси:

– Ҳайвонот боғига олиб боришларини дадамдан жуда қаттиқ илтимос қилдим. Биз Сирдарёдан келдик, тўғриси айтсам, жуда хурсандман, охириги марта 5 ёшимда келгандим. Ўша вақтда дадам мени жониворлар билан

бирма-бир таништириб чиққан эдилар, энди эса мен укамни таништиряпман. Панжарага илинган тахтачадаги жонзот ҳақидаги маълумотларни ўқиб эшиттирар эканман, бу маълумотларни янгилаш керакми, деб ўйлаб қолдим. Чунки баъзи сўзлар хато ёзилган, шу билан бирга пештахталар кирлигидан сўзларни тўлиқ ўқий олмадим. Укам эса ўқиниб, ҳайвонот боғини бошқача тасаввур қилгандим, деди. Жониворлар ҳақида маълумот берувчи махсус шахслар ҳам фақатгина гуруҳ бўлиб келганлар учун хизмат қилар экан. Мен эса ҳозирча укамга билган маълумотларимни айтиб беряпман.

## ОТ, ТУЯ ВА БУҒУЛАР ФАРРОШЛИК ҚИЛИШЯПТИ

Марям Дилшодова, косметолог шифокор:

– Тошкентга атайин фарзандларим билан дам олиш учун келдик. Ҳайвонот боғига келиб шодликдан сакраётган, ҳайвонларга меҳр билан қараётган, ҳайратланаётган болаларимни кўриб дилим яйрапти. Боғ жуда ажойиб, ҳамма шароитлар яратилган, айниқса болалар учун аттракционли майдон ҳам борлиги айнаи мудоао бўлди. Лекин

## MILLATNI – BILIMLI AYOLLAR TARBIYALAYDI

**К**ўпинча қизларни ўқитиш шарт эмас, ўқиган қиз шаҳар олиб берармиди, дейишади. Тўғри, қиз бола ўқиб шаҳар олиб бермаслиги мумкин, аммо ўзининг оила деган мустақам қасрини кура олади. Ўқимишли қиз қурган қасрда 30 ёшга кирганда ҳам бирор ишни мустақил ҳал қилиш нималигини билмайдиган ўғиллар, келажақда эр уйда итоатгүй, ҳар қандай хўрликка чидайдиган тобе келин эмас, ойни кўзлайдиган маликалар, шахзодалар улғаяди... Аёл ўқимишли, аёл билимли, аёл хунарли бўлса ҳар қандай вазиятдан чиқиб кета олади. Кузатадиган бўлсақ ўқиган аёлларнинг орасида ажримлар кам ёки оилавий келишмовчиликлар деярли учрамайди. Хунарли аёлнинг ажралган тақдирда ҳам моддий томондан қийналгани ҳам камдан-кам учратадиган.



## Ўқимаган қайнона ажралишга бош-қош

Яқинда тахририятга келган бир мурожаат билан танишиб чиқдим. Ун йил бирга яшаган, бирга ҳовли-жой қурган икки боласи бор аёлни эридан осонгина ажратишди, ўқимаган қайнона бунга бош-қош бўлди. Ҳали хотинидан расман ажрашмаган эркакка яна бир хунарсиз, ўқимаган аёл "эр бўлса бўлди, таъминласа бўлди", дея шаръий турмушга чиқди. Ҳозир икки аёл ҳам аросатда. Биринчи аёлга мутлақо ўзига нотаниш бўлган бошқа бир тумандан уй олиб беришди, лекин яна бир таассуфланарли томони унинг икки нафар эгизак фарзандига саратон ташхиси қўйилган. Ўқимаган, хунари йўқ, иши йўқ аёл бугун қай ерга бошини уришни билмайди. Айтинг-чи, отасини ташлаб кетганини ҳис қилган болаларнинг тузалиши осон бўладими? Бунга ким сабабчи? Яна шу ўз ҳақ-хуқуқини билмаган аёллар сабабчи. Агар биринчи аёл ўз ҳақ-хуқуқини таниганида, илмли, билимли бўлганида эридан ажратиларига осонгина таслим бўлармиди? Эркакка иккинчи хотин бўлиб тегиб олган аёлнинг илми бўлганида ҳали хотинидан расман ажрашмаган инсонга шаръий хотин бўлармиди? Яна бир хотиннинг бахтсизлиги эвазига ўз бахтини қурармиди?

## Олдинда синовлар кутиб турибди

Баъзида қизларни ўқитиш шарт, деган фикрга "керак бўлса эри боқиб олади", деган жавобларни эшитамиз.

Аммо билмай-мизку унинг ҳаётида, олдида қандай синовлар бор. Менинг бир дугонам бор, бир қўли йўқ. Уша дугонамга онаси тикувчиликни ўргатган, олий маълумот олишига шарт-шароит яратиб берган. Вилоятдан келиб пойтахтда ишлади. Тикувчиликдан тушган пулларини қундалик харажатида ишлатарди, ойлигини йиғиб бир хонали уй олди, кейин уйини икки хоналига алмаштирди. Бирон марта пулдан қийналиб акаларидан, опаларидан ҳам ёрдам сўрамади. Қизнинг онаси нега унга хунар ўргатди, олий маълумотли қилди? Имконияти чекланган қизга ўзи қарашини, қўмак бериши мумкин эди-ку. Аммо онаси айтган экан: "Сени ҳали олдинда жуда кўп синовлар кутиб турибди, ҳеч кимдан кам эмаслигингни ибоботлайдиган кунларинг учун хунар керак деб..." Уша қизнинг онаси вафот этади. Дугонам олдидаги қийинчиликларни хунари билан енгади. Олган олий маълумоти орқали ҳаётга бўлган ишончини, умидини сўндирмайди. Ҳаётда, жамиятда ўз ўрни борлигини англаб яшайди.

## МИСОЛ УЧУН

Францияда аёллар имкон қадар олий маълумот олишни исташар экан. Мақсад келажақда карьера қилиш ёки яхши маош олиш эмас, илмини, билимини фарзандлари тарбиясида қўллаш учун ҳам олий маълумот олишар экан. Ахир она фақат уй ишини қойиллатиши

– болаларининг кир-чирини ювиши, мазали оват қилиб бериши билангина чегараланмаслиги керак. Уларни китобга қизиқтиришда, бирор касбни эгаллашда йўл-йўриқ беришда ҳам онанинг роли катта. Масалан, олий маълумот олган аёл шаҳарда яшаса фарзандларининг олий маълумот олиши учун интилади, ҳатто хориджа ўқиши учун шарт-шароит яратиб беради.

Ўқимишли, олий маълумотли, хунарли аёлларнинг ҳаётида қанчадан-қанча қийинчиликлар бўлишига қарамай ҳеч қачон бирор ташкилотнинг олдида сарғаймайди. Ўқиган аёлларнинг оиласида ҳам етишмовчилик, йўқчилик бўлган кунлари бўлади, аммо улар бундай ҳолатларга ўзи ечим қидиради ва топади. Ўз муаммоларига ўзи билими ва ҳақ-хуқуқини билиши орқали ечим топади. Қизларни

ўқитиш масаласи ҳақида ижтимоий тармоқлардаги баҳс-мунозараларга ҳам тез-тез гувоҳ бўламиз.

## Қиз ўқитаётганларга имтиёз бериш керак

**Гулнора Раҳмонова:** Эр ҳам қўлида хунари бор, илмли хотинни қадрлайди. Ажрашиб кетса рўзгорни эллаб кетишини ҳам, бундай аёлга эр ҳам дарров топила қолишини ҳам билади, бундай аёлга "э сен кимга ҳам кераксан", дея олмайди. Қиз боланинг ўқигани, дипломи мутахассис бўлгани яхши. Аммо! Яна бир "аммо" бор. Бъзан эр билан, ҳатто ўз ўгли билан, ўз қизинг билан шундай вазиятлар бўладики, бу ҳолатда аёл ўта ақлли бўлиши керак. Чунки қисқа вақт ичида муаммога энг тўғри ечим топиш керак. Кейин топиладиган, кечикиб хаёлга келган ечим фақат пушаймонлик келтиради. Хўш, ўта ақлли, мураккаб ҳолатда донишманд бўлиб кетиш учун нима қилиш керак?! Она ҳамиша китоб ўқиши шарт! Китобни сюжетни учун эмас, тафаккури юксалиши учун ўқиши керак. Мен ўзим кўп ўқиганман, ҳамиша ўқийман. Бироқ ўғлим билан қизим ҳам кўп ўқийди, деб мақтана олмайман. Шу учаламиз ўртამиздаги муносабат оптимал дўстона ва меҳр оқибатли бўлишини менинг кўпроқ ўқиганимгина барқарор қилиб туради.

**Маҳмуд Йўлдошев:** Бизда оиланинг келажаги учун кўпроқ ўғил болаларни ўқитишга ҳаракат қилишади. Қиз бола бировининг хасми, ўқиб шаҳар олиб берармиди, дея қизларнинг таълимга бепарво бўлиши. Миллатни эса мана шу ўқиган оналар тарбиялайди.

**Нелли Абдуллаева:** Қизларни ўқитиб, бир нечта хунари қилиш керак. Болаларига ҳам илм берадиган ўқимишли она! Ўқимаган аёлининг ўрнига

ота ўз болаларини етаклаб юрганини кўп кўрдим. Баъзи эркаклар хотинининг ўқимисизлигиндан афсусланиб гапиришади. Келиб биздан маслаҳат олишади. Йигитларга, шогирдларга хотин танлашда олий маълумотлилигини танла, болаларининг уйда ўтириб ўқитадиган шу хотининг бўлади, дейман. Тушунганлар маслаҳатимни олиб худди шундай қизларни танлашди. Демак, келажақда ақлли болалар кўпаяди. Болаларимизни ўқитдик. Ҳозирда иккаласининг ҳам нони бутун. Келажагидан хотиржамман.

**Орзигул Рустомова:** Қизини шартнома асосида ўқитаётган оилаларга аслида имтиёзлар берилиши керак...

**Латифхўжа Усмоноҳўжаев:** Албатта мен ҳам қўлайман. Бизнинг авлоддан бўлганлар қизларини ўқитишмайди, лекин мен удумга қарши ўларок барча қизларимни олий маълумотли қилдим, бошида кексаларимиз мендан хафа ҳам бўлишди. Энди замон ўзгарди, ҳозирга келиб уларнинг фарзандлари ўқимаган ўғилларига олий маълумотли қиз ахтариб қолаётганларини ҳам эшитиб қоламман. Қиз бола ўқигани, ўзини ва оиласини эплагани яхши, албатта.

**Ҳидоят Олимова:** Турмушга чиққанимда талаба эдим. Ўқимини сиртқига айлантириб, ишлаб харажатимни ўзим кўтаришни истардим. Эрининг пулига яшашни хоҳламасдим. Оила юқининг бир қисмини кўтаришим керак дердим. Афсус, бунга руҳсат тегмади. Ҳали кўп ишлаб пул топасиз, дейишди. Демокчиманки, аёллар ҳам оилага моддий томондан ҳисса қўлишни истади. Шунинг учун ҳам қиз болани ўқитиш ёки хунари қилиш керак. Аёлни эркак боқиб қира деган фикр унчалик тўғри эмас. Оилада асосий даромад топувчи бўлмаса ҳам рўзгорга ёрдам қилиш керак.

**Дилором Юсупова:** Онам 1957 йил университетни битирган. Ушанда кўп қизлар турмушга чиқиб қийналишган экан. Декан: "Қизлар учун квотани кам қилиш керак, эртага булар барибир ишламайди", деганда, ректор: "Қизлар авлодини тарбиялайди, уларни кўпроқ ўқишга жалб қилиш керак", деган экан. Онам бизни, биз эса фарзандларимизни олий маълумотли қилдик. Очиғи иккинчи синф математика китобини тушунмай кўтариб чиқадиган қўшнилари бор. Оддий мисол шартларини тушунишмайди. Фақат мактабга ўқитишни юклаб қўйиш керакмас. Она уйда устоз бўла оладиган даражада билимли бўлиши шарт...

**Рая Ернашева:** Бизнинг оилада қиз ёки ўғил деб ажратилмайди. Уларни баробар ўқиша, спортга қизиқишини кучайтириш орқали ҳаётга таёрлаймиз. Қариндошларда қиз болани ўқитиб нима қилсан, деганлар кўп бўлди, аммо энди ўзлари қизларини ўқитмаганига ачинади. Ўқиганда ҳам мустақам билим олса, ўз ўрнини топа олади, ҳаёт синовларидан қўқилмай ўта олади.

**Ҳа, қизларингизни ўқитинг! Хунар ўрагинг. Бировларинг қўлига қарам бўлмаслиги учун, ҳаётда ўз ўрнини топиб яшаш учун, ўз қадрини билиши учун ўқитинг!!!**

**Барно СУЛТОНОВА,**  
журналист.

**Oila va jamiyat**  
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

## МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,  
"Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси  
(Болалар жамғармаси) ва  
"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир в.б.: Акбар ҚАРШИЕВ

## МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.  
Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,  
Котибхона: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1036. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2096. Ваҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Ч. Дўстаматова  
Мусаҳҳих: С. Сайдалимов  
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5